



## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонга жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.


— Халқимизда “қўшнинг тинч, сен тинч”, деган мақол бор, — деди жумладан Ислон Каримов. — Бу гап дини, тили, тарихи, урф-одатлари бир бўлган қозоқ биродарларимизга ҳам бевожита тааллуқлидир. Шундай экан, минтақамизда нотинч вазият юзага келган бир пайтда ўз қўшнилари билан янада жипс-лашиш, янада иноқ бўлиш жуда зарур.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида иқтисодий, сиёсий-ижтимоий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришни кўзда тутувчи 130 дан ортиқ ҳужжат имзоланган, деб давом этди давлатимиз раҳбари. Бу икки томон учун ҳам, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос бойлиқдир. Зеро, ушбу ҳужжатлар давлатларимиз, халқларимиз ўртасидаги яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу галги ташриф давомида Қозоғистон раҳбарияти билан ана шу ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан яна бир бор фикрлашиб олиш режалаштирилган. Шунингдек, бўлажак учрашувларда давлатларимиз ўртасидаги чегараларни демилитация қилиш, яъни чегараларни тугал аниқлаб олиш масаласини ҳам муҳокама этиш кўзда тутилган. Давлатимиз раҳбари шунини маълум қилар экан, бу масалани икки давлат ўртасида “темир девор” ўрнатилар экан, деб тушунмаслик кераклигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари аввалгидек бемалол борди-келди қилаверди. Фақат икки мустақил давлат халқаро ҳамжамиятда тан олинган андозалар асосида чегараларини ўзаро аниқлаб олиши зарур, деди Президент.

Мамлакатимиз раҳбарининг Қозоғистонга расмий ташрифи чоғида икки давлат ўртасида қатор янги қўшма ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА мухбири.



Илм дунёси бепоён, сир-асрорга бой. Шу боисдан бўлса керак, инсон доимо мана шу олам мўъжизаларини билишга, кашф этишга интилади.

Сиз суратда кўриб турган ҳар уччала қиз ҳам илмнинг зилол булогидан қониб-қониб сипқораётган умидли ёшларимиздандир. Улар ўз изланишу тинимсиз меҳнатлари самараси ўлароқ, 2001 йил республика ўқувчилари ўрта-

сида ўтказилган фан олимпиадаларида қорақалпоқ тили фанидан иштирок этиб, энг юқори натижаларни кўрсатишди ва голиблик шохсупасига кўтарилдилар.

Суратда: голиб ўқувчилар — биринчи ўрин соҳибаси Алимова Эльмира (ўртада), иккинчи ўрин совриндори Раушан Нажимова (ўнгда), учинчи ўрин эгаси Тўлғаной Жаримбетова (чапда).

### Мактубларда ҳаёт парчалари

4-бет

### Меҳмонхона

Муножот ЙЎЛЧИЕВА:

### Ўзим ҳали шогирдман

5-бет

### Бир бахтсиз муҳаббат

ҲИКӢЯ

11-бет

### Нобель мукофоти — математикасиз

13-бет

## ИЛМ МАСКАНИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНДИ

Учкўрғон туманидаги Ю.Сиддиқов номли 4-ўрта мактаб 1957 йилларда қурилган бўлиб, тумандаги кўхна таълим-тарбия масканларидан бири ҳисобланади. Ўша даврларга мослаб қурилган бино ҳозирга келиб ҳар жиҳатдан замон талабига жавоб бермай қолган эди.

Яқинда 400 нафар ўқувчи таҳсил оладиган Ю.Сиддиқов номли мактаб биноси қайта таъмирдан чиқарилди. Илм масканини жиҳозлаш учун эса 47 млн. сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди. Натижада ўғил-қизлар янги қиёфадаги мактаб биносида таълим-тарбия ола бошладилар.

Дилмуроджон ТОҶИБОЕВ,  
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика  
талабаси

Темирйўл туманидаги Хўжа Хақназар маҳалласида 51-мактабнинг филиали очилди. Бинони “Давр-сервис” акциядорлик жамияти қурувчилари таъмирлаб беришди.  
— Маҳалланинг 1-4-синф ўқувчилари уч-

## МАҲАЛЛАДА МАКТАБ БЎЛИМИ

тўрт чақирим йўл босиб олисдаги мактабга қатнардир, — деди Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими мудири А.Мажидов “Туркистон-пресс” мухбирига. — Энди 150 нафар бошланғич синф ўқувчилари ёруғ ва шинам хоналарда ўқишмоқда. Синфхоналар парта, стол, стул, доска ва бошқа зарур ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.  
“Туркистон-пресс”

## ВОҚЕАЛАР СИЛСИЛАСИ

• Хабарларга кўра, Шимоллий Иттифок томонидан Толибон ҳаракатининг бир қатор кўзга кўринган лидерлари қўлга олинган. Бироқ, улар ичида Толибон олий раҳбари Мулла Умар йўқ.

• Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Зоҳиршоҳ муқаддас Рамазон ойи арафасида радио орқали мурожаат қилиб, афғонларни хотиржамлик, қаноатлилик ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга чақирди. Деярли 30 йилдан бери Римда яшайётган Зоҳиршоҳ Афғонистонга қайтишини, бироқ подшо сифатида эмас, Ватанга хизмат қилувчи оддий фуқаро сифатида қайтишини айтди.

• АҚШнинг Афғонистондаги кўшинлари раҳбари Томми Фрэнкснинг айтишича, “Ал-Қаида” ташкилоти халқаси кичрайиб бормоқда. АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд Усама бин Ладен Афғонистонни тарк этган тақдирда ҳам қўлга олинишини айтди.

• Покистон толиблар томонидан эгаллаб турилган Қандаҳор шаҳрига яқин чегаралари хавфсизлиги чораларини кучайтирган. Покистон раҳбарияти аҳволи тобора танглашаётган толиблар жангчилари чегарани бузишга уринишлари мумкин, деб ҳисоблайди.

### БУЮК БРИТАНИЯДА “ИСЛОМ КАРИМОВ” ТУРНИРИ

Буюк Британиянинг Дардфорд шаҳрида кураш бўйича иккинчи бор халқаро, айни пайтда анъанавий “Ислон Каримов” турнири бўлиб ўтди ва унда Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсупов раҳбарлигидаги делегация иштирок этди. Голиблар турнир ташкилотчиларининг махсус совринлари билан бирга

ўзбек зарчопонлари, дўппию халқ хунармандлари томонидан тайёрланган эсдалик буюмлари билан ҳам тақдирландилар.

### ТАШКИЛИЙ КЎМИТАДА ЙИГИЛИШ

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий кўмитасининг йиғилиши бўлиб

### СЎНГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



ўтди ва унда 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни жойларда муносиб нишонлаш, маданий-маърифий тадбирлар белгилаш, байрамнинг кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.

### ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Олий Мажлисда “Ўзгаришларни бошқаришда халқ депутатлари кенгашларининг ўрни” туркумидаги навбатдаги семинарда республика мизда давлат бошқарувини номарказлаштириш ва эркинлаштириш муаммолари ҳамда бу жараёнда халқ депутатлари кенгашларининг мавқеини ошириш масалалари муҳокама этилди.

### ТАҚДИМОТ

Миллий Матбуот Марказида бўлиб ўтган ҳиндистонлик журналист Агок Шехарнинг ҳинд тилида чоп этилган “Ўзбекистон: муваффақиятлар солномаси” китобининг тақдимот маросимида ушбу китоб мамлакатимизда кечаётган буюк ўзгаришлар билан ҳинд халқини таништиришда муайян хизмат қилади, дея таъкидланди.

## ТАРБИЯДАГИ МУҲИМ ОМИЛ

Маълумки, фарзанд тарбияси ўта мураккаб жараён. У мураббийдан, ўқитувчидан масъулият, тинимсиз изланиш талаб қилади. Бироқ яна шундай омиллар ҳам борки, улар ҳам бевосита ўсиб келаётган ўсмир келажагини белгилаш имкониятига қодирдир. Албатта, бу омилларнинг бири оиладаги тарбия бўлса, иккинчиси ўз-ўзидан аёнки, ташқи муҳит, яъни маҳалла-қўй таъсиридир. Эътибор берган бўлсангиз, фарзанд тарбиясида ушбу юқорида келтирилган ҳар уччала омилнинг муштарак ҳолда олиб борилиши бола-нинг келажақда етук инсон, комил шахс бўлиб вояга етишишида етакчи аҳамият касб этади.

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида ушбу мавзуга бағишланган анжуман ўтказилди. Эътиборлиси, анжуман бугунги куннинг долзарб мавзуси ҳисобланган ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилганлигидадир. Йиғилишда Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев, "Ёш куч" ҳамда "Синфдош" журналлари муҳаррирлари Эркин Абдурахмонов ва Азиз Саид, А.Авлоний номидаги ХТХҚ-ТМОМИ ректори Жўра Йулдошев ва ўқитувчиликдек масъулиятли, бироқ шарафли касбни 53 йилдан буён эъзозлаб, унинг орқасидан эл-юрт назарига тушган иқтидорли муаллимлар Ҳакима Юсупова ва Тошкент тумани 11-мактаб директори, "Шухрат" медали соҳиббаси Мавлудахон Бекжонова ҳамда малака ошириш институти тингловчилари иштирок этишди.

Йиғилишни мазкур таълим муассасасининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича про-

ректори Собир Зияев очар экан, фарзандлар тарбиясида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигининг аҳамияти нечоғли улканлигига алоҳида ургу бериб ўтди. Шундан сўнг сўз навбати шоир Нормурод Нарзуллаевга берилиб, нотик ўз нутқида юрт келажагини бунёд этишда ўқитувчининг ўрни ҳақида сўзлар экан, жумладан, шундай деди:

— Шоир халқнинг виждони, дейишади. Дарҳақиқат, фикрлар асосли. Бироқ шоирнинг шу даражага етишида, албатта, ўқитувчининг қанчадан-қанча заҳматли меҳнати ётади. Шу боисдан ҳам мен ушбу фикрга ўқитувчини ҳам қўшган бўлардим. Ўқитувчи — эл кўрки. Моҳир дорбоз, ингичка дорда юрар экан, унинг ўз мувоzanатини сақлашида лангарнинг аҳамияти катта. Ўқитувчи

ҳам менинг назаримда гўёки ўша лангар. У инсонларни тубанликка, жазолатга қулашдан сақлайди.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда ёшларнинг Ватан туйғусини қалбларига жо этиб, ўзлигини англашларида, юрт мустақиллигини мустақамлашда шу заминнинг ҳар бир фарзанди бурчли эканлиги қолган нотиклар томонидан ҳам таъкидлаб ўтилди. Эътиборлиси, ушбу фикрлар фақат сўз билангина эмас, балки шоирларимиз томонидан айтилган жўшқин шеърларда, ижодкор ўқитувчиларимиз томонидан ижро этилган куй-кўшиқларда яна бир бор ўз аксини топди.

Бундан ташқари, институтга ташриф буюрган меҳмонларнинг ҳамда тингловчиларнинг институт маъмурияти томонидан ташкил этилган улғу маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг уй-музейини томоша қилишлари барчанинг ёдида муҳрланиб қолди.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ўқувчиларни гарсликлар билан таъминлаш, жазони ўташ ва махсус ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган болаларнинг ижтимоий оқланиши билан боғлиқ аҳволни ўрганиш натижалари, Халқ таълими вазирлиги тизимида ҳарбий касбга йўналтирувчи махсус мактаб ташкил қилиш масалаларига бағишланган навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Халқимизда "Бола тарбияси бошидан" деган нақл бор. Йиғилишда таъкидланишича, ана шу нақлга амал қилган

## БОЛА БОШИДАН

вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссиялар болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида сезиларли ишларни амалга оширмоқдалар.

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида прокуратура ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ташаббусига кўра ташкил этилган "Соғломлаштириш маркази"да тарбияси оғир ва профилактика милицияси ҳисобига турган ёшларнинг спорт билан доимий шуғулланишлари йўлга қўйилди. Навоий вилоятида маҳаллий ҳокимликлар ва "Камолот" ёшлар ҳаракати билан ҳамкорликда ўсмирлар ўртасида мунтазам равишда кўнгилочар тағбирлар ўтказиб келинмоқда. Прокуратура ташаббуси билан ташкил этилган ҳуқуқий синфлар ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда комиссиялар йўл қўяётган барча камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар кенг муҳокама қилинди.

"Туркистон-пресс"

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Она Ватан тарихи саҳифаларига саёҳат" рукнида "Ўзбекистонда мустақил тузум даври тарихини ўрганиш муаммолари (1920-30 йиллар)" мавзусидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон янги тарихини ўрганиш Маркази, "Фидойи ёшлар" клуби,

лик зид эканлигини хусусида Россия Федерациясида 1917 йилдан кейинги давлат ҳужжатлари архиви бўйича уч ой изланиш олиб борган тарих фанлари номзоди, тарих маркази бош илмий ходими Мусаллам Жўраев ва тарих фанлари номзоди Наим Норкуловлар маъруза қилишди. Олимларимиз тарихимизга оид бизга номаълум бўлган, фа-

ҳозирги ёшларнинг талабчанлиги, қизиқувчанлигини кўриб руҳланиши табиий эди.

Айтиш мумкинки, анжуман қайсидир даражада қўйилган вазиफलари очиб берди. Лекин ҳали ечилмаган жуда кўплаб саволлар қолиб кетди. Бундай дейишга сабаб, олдимизда бутун бир тарихимизнинг катта бўлаги синоат бўлиб, кўрил-

## ТАРИХ ~ МИЛЛАТ КЎЗЎСИ

Фидокорлар Миллий демократик партиясининг "Ёшлар қаноти" ташаббуси ва ташкилотчилигида ўтказилган давра суҳбатида Ўзбекистон Миллий университетининг тарих, журналистика факультетлари ҳамда Тошкент Молия институти молия-иқтисод факультети талабалари иштирок этишди. Анжуманда собиқ тоталитар тузумнинг ўзбек халқининг миллий қадриятларига зид бўлган восита ва услубларини кўрсатиш ҳамда бу тузум қолдирган салбий асоратларнинг биз кураётган жамият мафқурасига қанча-

катгина архивларда чанг босиб ётган 3337 та ҳужжат нусхаларини олиб келишибди. Ўша ҳужжатларнинг айримларини бизга кўрсатиб, улар билан боғлиқ бўлган ҳақиқий тарих сўзланганда, биз ёшлар ҳайратландик. Чунки, китобларда ўқиб юрган маълумотларимиз фақатгина сиёсат қуроли, тузум хизматчиси бўлганлиги кўз ўнгимизда намоеён бўлаётганди. Шундан сўнг талабалар томонидан турли хил тақлифлар, мулоҳазалар, саволлар, кези келса эътирозлар ўртага ташланди. Жараённи қузатган киши

масдан номаълум ҳолича турибди. Шунинг учун назаримда бу масалага жиддийроқ ёндошиб, ҳақиқоний тарихимизни эртaroқ ўқувчиларга етказиш керак. Бунга эса икки-уч нафар мутахассис изланиши кифоя эмас. Асл тарихимизни ёритиб берадиган бу каби давра суҳбатлари, фикр алмашувларнинг ҳам тез-тез уюштирилиши кони фойдадир. Зеро, ўз тарихимизга муносабатда ҳар биримиз масъуллигимизни унутмаслигимиз лозим.

Насиба ЭРХОНОВА

### Munosabat

Мен ҳарбий хизматни 1980-82 йилларда Афғонистонда ўтаганман. Қобул, Жалолобод шаҳарларида бўлганман. Кекса ва ёш афғонлар билан кўп марта суҳбатлашганман. Афғон ёшларининг ўз мамлакатига бўлаётган янгиликларга, тартибларга эътибори катталигини, шаҳарларда замонавий кийиниб юрган йигит-қизларни кўп учратганман. Афғон ёшлари ва маърифатли кишиларнинг биз каби дунё янгиликларидан доимо хабардор бўлишга, ватанларини илғор давлатлар қаторига қўйиш учун интилишларига ишонаман.

Аммо собиқ шўролар сиёсати бизнинг миллатимизнинг мустақиллигини, гурурини, ватанпарварлик туйғуларини босиб келганидек, "Толибон"лар ҳукумати афғон халқининг тинч, фаровон ҳаёт қуришига, дунё тараққиёти билан ҳамнафас бўлишига қаршилик қилиб келмоқда. Энг даҳшатли-

## ЁВУЗЛИК ЖАЗОСИНИ ОЛИШИ КЕРАК

си, афғон диёрида ёвуз ниятли террористик ташкилотларга макон қилиб беришди. Бу террористик гуруҳларнинг бизнинг диёримизга бир неча бор қилган хуружлари тинчлик ва халқларнинг мустақилликларига қанчалик душман эканликларини кўрсатишди.

11 сентябрь куни АҚШда содир бўлган террористик ёвузлик барчамизни ларзага солди. Бундай даҳшатли ишларни мақсад қилиб олган кишилар жазосини олиши шарт. Бунга бутун дунё тинчликсевар халқлари ҳам-жиҳат бўлиб киришсагина амалга ошириш мумкин.

Шу тўғрисида АҚШ каби дунёнинг илғор давлатлари Афғонистонда олиб бораётган террорчиларга қарши ҳарбий ҳаракатларини маъқуллайман. Меҳнатқаш афғон диёрида миллатнинг тинчлик ва фаровонлигини ўйлаб фаолият кўрсатадиган ҳукумат келишига ишонаман.

Абдуназар АХРОРОВ,  
СамДЧТИ қошидаги академик лицейнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Чилонзор туманидаги 200-мактаб қошида ташкил этилган махсус бошланғич таълим мактаби эндиликда шу ҳудудда яшовчи ота-оналар тилига тушиб улгурди. Фарзандим келажақда эл корига ярайдиган инсон бўлсин, ўқимишли, зукко бўлиб ўссин деганлар бу муассасага алоҳида эътибор билан қараяпти.

Яқинда ушбу бошланғич мактабнинг 2-"Т" синфида



уюштирилган тадбир ҳам ерда йўлга қўйилган ибратли таълим-тарбия жараёнининг намойиши бўлди, дейиш мумкин. Ота-оналарнинг синф раҳбарлари, мактаб маъмурияти билан мунтазам ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан фойдали бўлаёпти.

Суратда: Навбатдаги ота-оналар йиғилишидан кейин ўтказилган кичик байрам кечасидан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ  
олган суратлар.

**Прокурор ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида "Мақтаблар куни" жорий этилди.**

— Маълумки, "Соғлом авлод" дастурининг асосий кўрсаткичларидан бири, бу балоғатга етмаганлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олиш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир, — деди Амударё тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Холмурод Бахромов. — Қўллаб жойларда, хусусан, бизнинг туманимизда ҳам ушбу мавзуга бағишланган семинар-кенгашлар ўтказилди. Унда туманимизнинг 87 та умумтаълим мактаби, 1 та физика-математика лицейи, 4 та ўқув-ишлаб чиқариш комбинати, 44 та болалар боғчалари ва 6 та мактабдан ташқари муассасалар вакиллари иштирокида туман ХТБ, ИИБ, соғлиқни сақлаш муассасалари, прокуратура ходимларининг бевосита қатнашувида худди ана шундай кенгашларни ўтказдик. Кенгашларнинг бирида ҳар ҳафтанинг жума кунини

лари ва эгаллаб турган лавозимлари акс эттирилган.

**— Ташриф натижалари қандай бўляпти?**

— "Мақтаб кунлари"дан бирида юқори синф ўқувчилари билан улар таълим-тарбия олаётган синф хонасига йиғилдик. Аммо биронтамиз ундаги парталарнинг торлигидан ўтира олмадик. Юқори синф ўқувчиларининг бўйи-басти эса бизларникидан кам эмас. Ўша куннинг ўзидаёқ тумандаги барча мактабларда юқори синфлар ўқувчилари ўтирадиган парталар қайта таъмирлана бошлади.

Маълум бўлишича, умумтаълим мактабларига бир парта 56 минг сўмга келиб тушар экан. Бозорга бориб аниқласак, янги парта ясашиш учун сарфланадиган материаллар, бўёқлар, ишчи кучининг сарф-харажатлари 13-15 минг сўмни ташкил этиши аён бўлди. Биз Манғит шаҳридаги мактабларнинг бирида парталарни янгидан ишлаб чиқарадиган, таъмирлайдиган цех очдик. 10 нафар ишсиз юрган усталарни бу цехга тақлиф қилдик. Тадбиркорли-

**АМАЛИЙ ЁРДАМ**

Андижондаги "Биокимё" заводи раҳбари Шухратбек Луқмонов шаҳардаги 14-ўрта мактабга ҳомийлик қилиб келмоқда. Мактабни таъмирлаш учун 350 минг сўмлик қурилиш материалларидан амалий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари мактабнинг иситиш системалари қайта таъмирланмоқда. Мактаб иссиқлик билан қиш мавсумида бепул таъминланади. Шунингдек, мактаб электр ёриткичлар билан ҳам жиҳозланади. Ш.Луқмоновнинг бу саҳоватидан мактаб педагогик жамоаси, ота-оналар чексиз мамнун бўлдилар.

**ИБРАТ**

Андижон туманидаги 25-ўрта мактабда жорий ўқув йилидан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Эндиликда мазкур илм даргоҳи ўзининг мебель ишлаб чиқарувчи кичик цехига эга. Мазкур цех ҳозирда 15 нафар қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаши бараварида ундан тушган маблағ мактаб ўқитувчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда даргоҳнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шухратбек КЕЛДИЕВ

Қиш эшик қоқмоқда. Бу фасл ниҳоятда пухта тайёргарликни ёқтиради. Хуш, мактабларда қишга тайёргарлик қай аҳволда? Биз бу саволга жавоб излаб жорий йилнинг 5 ноябрида Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги баъзи мактабларда бўлдик.

Биринчи бўлиб қўздан кечирган мактабимиз туманнинг чекка ҳудудида жойлашган 67-ўрта умумтаълим мактаби бўлди. Мактаб ҳовлиси гулдор панжаралар билан гир атрофдан ураб чиқилган. Ҳовли ичида ободончилик ишлари ҳам жойида. Мактаб биносини қўздан кечирган киши жорий таъмирлашдан ҳам чиқарилганлигининг гувоҳи бўлади. Бир сўз билан айт-

**Reyd**

Мактабнинг кўмирга булган эҳтиёжи йилига 30 тоннани ташкил қилгани ҳолда, бугунги кунгача туман халқ таълими бўлими томонидан 13 тонна кўмир етказиб берилган, олиб келинган кўмирнинг майдалик миқдори эса анча юқори кўрсаткични ташкил қилади. Уқитувчилардан кўмир пули ҳақида суриштирганимизда, улар кўмир пули ҳали берилмаганлигини айтишди. Биз айтиш шуниси билан туман халқ таълими бўлими мудири Ёқуб Рустамовга муурожаат қилганимизда, мудир айти

**ҚИШ ЯҚИН, ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?**

ганда, мактаб маъмуриятининг ободончилик учун имкон даражасида меҳнат қилганлиги яққол кўриниб турарди. Мактаб синфхоналари печ билан иситишга мулжалланган бўлиб, барча синфхоналар печлар билан таъминланган. Сиртдан қараганда, ҳаммаси жойида. Аммо бизнинг мактаб ўқитувчилари билан булган суҳбатимиздан сунг, қўрданларимиз саробга ўхшаб қолди. Чунки мактаб утган 10 йил мобайнида умуман капитал таъмирдан чиқарилмаган, шу туфайли сирти ялтироғу ичи қалтироқ ҳолатга келиб қолган. Синфхоналарга кирган киши девор бурчакларида шиддан пастга ёки тепага қараб урмалаган ёриқларни кўриши мумкин.

қунларда мазкур масала билан шуғулланаётганлигини таъкидлар экан, яқин кунларда 1693 нафар ўқитувчига кўмир пули берилмаганини айтиб ўтди. ТХТБ мудирининг яна таъкидлашича, 10 кун ичида тумандаги барча мактаблар эҳтиёждан келиб чиқилган ҳолатда узил-кесил кўмир ёқилгиси билан таъминланар ҳамда ўқитувчилар учун кўмир пули етказиб берилар экан.

Нима ҳам дердик? Бугунги ҳар бир кун ганимат. Ундан унумли фойдаланиш, қишга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Буни мутаассадди кишилар ҳам яхши тушуниб етишларига ишонамиз.

**Абдулҳамид АБДУАХАД ўғли, "Маърифат"нинг махсус мухбири**

**«МАКТАБЛАР КУНИ»**

"Мақтаблар куни" сифатида белгилаб олдик. Эндиликда ҳар жума кунини тегишли оталиқ ташкилотлари раҳбарлари, ҳомийлар, ота-оналар, ХТБ ходимлари билан биргаликда фарзандларимиз таълим-тарбия олаётган масканларда бўлишга одатландик. Натижа эса биз кутгандан ҳам самаралироқ бўлмоқда.

Ҳар бир мактаб билан яқиндан танишиш, ундаги аҳволни аниқлаш мақсадида уларнинг барчасида паспорт ишлаб чиқилди. Унда мактабнинг қисқача тарихи, макони, замонавий ёки мослаштирилган бинодалиги, қанча ўқувчига мулжаллангани, дарслар неча сменада олиб борилаётгани, синф хоналари, таълим олаётган ўқувчилар сони, улардаги ногиронлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари сони, зарур бўлган ўқув қуроллари ва компьютерлар билан таъминланиш даражаси, ер майдони, спорт заллари, синфларнинг зарур миқдорда парталар, доска, стол ва стуллар билан таъминланиш аҳволи, электр энергияси, табиий газ, тоза ичимлик суви, иситиш системалари билан таъминланиши, ўқувчиларнинг билим савия-

гимиз натижасида ҳар бир партидан ўртача 40-41 минг сўмлик маблағни тежашга эришдик.

Яна бир гап. Ўсмирлар ва мактаб ўқувчилари орасида безорилик, майда ўғрилик ва жиноятга қўл уришларнинг ўсиши асосан ёзи таътил даврига тўғри келар экан. Унинг олдини олиш учун биз ўқувчиларни имкон даражасида кўпроқ оромгоҳларга тортиш ҳаракатида бўлдик. Қолганлари билан эса махсус дастур асосида турли хил спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, кечалар ўтказдик. Ҳар бир ўқувчининг назоратдан чиқиб кетмаслиги учун ота-оналар, овулдошлари, маҳалла, ўқитувчилар жамоаси, ички ишлар бўлими ходимлари билан биргаликда ҳаракат қилдик. Натижа эса биз кутгандан ҳам зиёда бўлди. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноят содир этиш ва гийҳвандлик фактлари 80-85 фоизгача камайди. Бу бизнинг жамоат ташкилотлари билан олиб борган саъй-ҳаракатларимиз самарасидир.

**Суҳбатдош Мухаммадсобир АЙТИМОВ**

**ФАРЗАНДИНГИЗ МАШИНА РУЛИДА...**

Ҳар бир ота-она борки, ўз фарзандини яхши кўрганидан, севганидан ва суйганидан улардан ҳеч нарсасини аяғиси келмайди. Айниқса, айрим ота-оналарнинг ўз фарзандлари ҳали вояга етмасдан туриб машина ҳайдашни чала-чулпа ўргатиб, уларга машина рулини топшириб қўйишлари баъзи ҳолларда болалар бошига жуда аянчли қисматларни солмоқдаки, буни улар жуда кеч англашмоқда.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон шаҳрида яшовчи Ш.Эшмуродов ҳам 9-синфда ўқиётган ўғлига машина ҳайдашни ўргатгани учун бугун минг пушаймонда. Сабаби яқинда у отасига бириктирилган "ВАЗ-2107" маркали давлат белгиси 19 С 62 37 бўлган "Жигули" автомашинасини бошқариб кетаётган кўпол равишда йўл қондасини бузади. Натижада шу туманнинг Какайда кўрғонида яшовчи "Руслан" ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси 1968 йил туғилган Н.Эржигитов бошқарувидаги "КАЗ-608"

русумли, давлат белгиси 7163 СДЛ бўлган юк машинаси билан тўқнашиб кетади.

Ачинарли томони бу ёш йигитча машинада бир ўзи эмас, балки синфдош қизларини ҳам айлантриб юргани боис, ўзи ва 1986 йил туғилган Н.Жўраева касалхонада вафот этади. Яна икки синфдоши С.Қурбонова ва В.Бўриевалар тан жароҳати билан касалхонага ётқизилади.

Албатта бу ўринда ҳали 18 ёшга тўлмаган ўспиринга машина рулини берган отанинг ҳам айби бор. Лекин, уларнинг шу ҳолда юрганини кўрган кўни-қўшнилари, қизларнинг ота-оналари-чи? Наҳотки улар ўз қизларининг машинада таралла бедод қилишларидан беҳабар бўлишса?! Жилла курса улар "Қизим тагин енгил машиналарга ўтириб, бизларни уялтириб юрмагин", деганида, бундай аянчли ҳол рўй бермаган бўлармиди.

**Шухрат РЎЗИЕВ, ИИБ Матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани**

**Obuna — 2002**

Узоқни кўра биладиган башоратчиларимиз томонидан XXI аснинг ахборот асри бўлиши ҳақидаги эътирофи бугун ҳақли равишда ҳақиқатга айланди. Зеро, юксак тафаккур эгаси бўлган инсоният ҳаёти туб ислохотлар, изланишу тинимсиз меҳнатлар натижасида тараққиёт чўққисини тобора забт этиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ахборот олишга бўлган талабнинг ошишига сабаб бўляпти десак, янглишмаймиз. Чунки ривожланишнинг бу шиддатли ўсиши ҳеч бир инсоннинг ортда қолишини кечирмайди. Бу эътироф, айниқса, юрт келажакини бунёд этувчи, тараққиётнинг пойдеворини қурувчи ўқитувчи, зиёли инсон фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

**ЎҚИТУВЧИНИНГ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИ**

Маълумки, бугун юртимизда олиб борилаётган таълим тизимининг ислохотлар натижаси-

ёш ўқитувчилар унинг ҳар бир сонини интиқ бўлиб кутади. Зотан, унда бериб борилаётган янги-янги маълумотлар, дарс ўқишнинг янги услублари — янги педагогик технологияни ўз дарсларимизда қўллашимизга энг яқин маслакдош бўлиб келаётган.

"Маърифат" газетасининг 2001 йил 10 ноябрь сонидан эълон қилинган "Муштарийлар "Маърифат"дан нималар кутишмоқда?" номли мақолани ўқиб қувондик. Мазкур газета ходимларининг ўз муштарийлари билан учрашишлари, уларнинг фикрлари, тақлиф ва танқидларини тинглашлари эътиборлидир. Албатта, газетанинг қўлга киритаётган ютуқлари хусусида қўллаб-қувватлаш билдириш мумкин. Бироқ уни янада такомиллаштириш зарур. Шу ўринда менинг бу

борадаги фикрим: газета саҳифаларида ҳуқуқатимиз, қолаверса, Халқ таълими вазирлигининг тизимини янада ривожлантириш мақсадида чиқараётган турли фармон ва қарорлари билан ўқитувчиларни таништириб бориши ибратли, албатта. Аммо, республикамизнинг турли ҳудудларида меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг барчаси ҳам ушбу янгиликларни бир хилда тушуниб, ўз фаолиятларига татбиқ этиши қийин. Шу боис, газетада босилаётган ҳар бир фармон ва қарорлар, тавсияларга умумий бўлса ҳам шарҳлар берилиб, чиқарилган янги қонуннинг аввалгисидан фарқли жиҳатлари кенг очиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Раъно ХЎЖАҚУЛОВА, Нишон туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси**

**Hodisa**

Халқ таълими вазирлиги муассислигида чоп этилаётган "Узлуксиз таълим", "Таълим тараққиёти", "Физика, математика ва информатика" журналлари қаторига ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг "Касб маҳорати" журнал-ахборотномаси ҳам қўшилди. "Узлуксиз таълим" журналида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисида"ги қонунга асосан таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш жараёнида эришилаётган ютуқлар ва дуч келинган муаммолар таҳлили бериб борилади.

ни акс эттирувчи меъёрий ҳужжатлар билан эса Сиз Касб маҳорати" ахборотномаси орқали танишишингиз мумкин.

Ушбу журналлар таълим фидойилари, илмий тадқиқотчилар, олимлар, умуман зиёлиларнинг, сизнинг журналингиз, эркин фикрларингиз минбари, энг яқин кўмакчингиз. Уларга обуна давом этмоқда. Кеч қолманг! Журналлар индекслари қуйидагича:

**"Узлуксиз таълим"**  
Якка обуначилар учун — 993  
Ташкилотлар учун — 994

**ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧИКМАНГ**

"Таълим тараққиёти" журналида тизимда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан танишиб борасиз. "Физика, математика ва информатика" журнали эса мазкур фанларга оид муаммолар ечимини топишда Сизга кўмакдош бўлади. "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да мамлакатимиз таълим тизимининг янги ўзига хос бўғини сифатида эътироф этилаётган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасидаги янгиликлар, ўзгаришлар-

**"Таълим тараққиёти"**  
Якка обуначилар учун — 1056  
Ташкилотлар учун — 1057

**"Физика, математика ва информатика"**  
Якка обуначилар учун — 991  
Ташкилотлар учун — 992

**"Касб маҳорати"**  
Якка обуначилар учун — 1006  
Ташкилотлар учун — 1007

# МАКТУБЛАРДА ҲАЁТ ПАРЧАЛАРИ

1997 йилда нашр этилган 3-синф ўқиш китобида "Кунларим" Ислон шоир шеъри деб берилган. Лекин бу сатрлар Фозил Йўлдош ўғлининг "Кунларим" автобиографик достонидан олинган. Ислон шоирда бунақа дoston ёзиш эҳтиёжи бўлмаган.

Мен Ислон шоир ўзининг ёшлик чоғларини эслаб ҳикоя қилган сўзларини келтириб ўтаман: "Ёшлигимданок дўмбира чертиб, 8-9 ёшимда менда бахши шоир бўлиш ҳаваси туғилди. Аввал катта-кичик термаларни ёд олиб юрдим. Уша пайтлар қишлоғимизга бахши-шоирлар кўп келар эди. Шоирсиз бирон тўй-йигин ўтмас эди. Товушим Эрнотар шоирга маъқул келиб, мени отамдан шогирдликка сўрапти. Мен Эрнотар шоирдан икки йил тарбия олдим. Турли мақомлар билан дўмбира чалишни ўргандим" деб ёзади.

## "КУНЛАРИМ" — КИМНИНГ ШЕЪРИ?

Мен ушбу сатрларни Самарқанднинг учта бахши шоирининг таржimai ҳоли, шеърлари, достонлари битилган китобдан олдим. Бу китоб қачон нашр этилганини билмайман, чунки титул varaғи йиртилган, айрим саҳифалари йўқ. "Кунларим" достони ҳам ушбу китобда берилган. Ўқиш китобида чоп этилган сатрлар менга болаликдан таниш, чунки онам айтиб берган. Фозил Йўлдошнинг бошқа кўпгина достонлари қайта нашр этилган. Лекин "Кунларим" достонининг шу китобдан бошқа вақтда нашр этилган нусхасини топмадим. Менинг онам Фозил Йўлдош ўғлига, яъни отасига қотибалик қилган. Кўп достонларни ёзишга ёрдамлашган. Чунки Фозил Йўлдош ўғлининг саводи бўлмаган, у киши дoston куйлайверар, онам қозоғга туширар эканлар. У кишининг айтишича, нашр этилмаган достонлари ҳам бор. Фольклоршунослар уларниқига тез-тез келиб туришган. Нашр этилган достонлари Ҳоди Зариф, Музаёйна Алавия томонидан тайёрланган.

Лола СУЛТОНОВА  
Самарқанд шахри

## ЭЛЗОД ЎҚИШИ КЕРАК

Элзод Ражабов оддий қишлоқ боласи. У 1990 йил 10 августда Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги Улус қишлоғида туғилган. Ҳаётда зийрак, ақлли, ҳозиржавоб бола. Мактабда "аъло" баҳо-ларга ўқийди. Айниқса, у айтган қўшиқ ва шеърларни тингласангиз, қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Майин ва ширани овозда маромидан айтилган ижролари қалбингизнинг тўридан жой олиши, шубҳасиз. Ростини, 11 яшар бу қишлоқ боласининг шунчалик иқтидорга эга эканлигини пайқамагандик. Илк танишувимиз шундай бўлди. Биз шу йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳридаги А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари малакасини ошириш курсида ўқирдик. Бир куни ҳовлидаги дов-дараклар соясига йиғилган бир гуруҳ ўқитув-

чилар ёшгина бола ижросидаги қўшиқларни диққат билан эшитишмоқда эди. Болакайнинг кўнгироқдек ширани овози осмонни тугтиб кетди. Нолаю фарёдлар юракларга қадалди. Баъзиларнинг кўнгли бўшаб, кўзёш ҳам қилиб олди. Ахир ота-она ҳақида, Ватан ҳақида куйланганда тўлқинланмай бўладими, киши. Шу куни Элзод йиғилганларга ўзининг "Она деган ном", "Она", "Ўзбекистоним", "Ислон бобо" каби қўшиқларини ва бир қатор шеърларини айтиб берди.

Биз ўзбек тили ва адабиёти курсида малакасини ошираётган Элзоднинг онаси Соҳида Тошбоевани саволга тутдик. У бизга ўғли ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Элзод ёшлигидан бошлаб тиришқоқ, меҳнатсевар бўлиб ўсди. Китоб ўқишни жуда яхши кўради. Хотираси бутун бўлгани учунми, қизиқишиданми, шеърларни тезда ёд

олади. Ҳозир у мингдан зиёд шеърларни ёд билади. Ҳар ишга қизиқувчан, футбол ўйнашни, ҳар хил таом ва пироглар пиширишни хуш кўради. Бўш вақтларида қўшиқ айтиш, куй чалишга одатланган. Муסיқа асбобларидан рубоб, фортепиано, доира асбобларини яхшигина чалади. Шеърлар ёзади. Элзод ўтган йили туманда ҳамда вилоятда ўтказилган "Ким кўп шеър билади?" кўрик-танловининг мутлақ ғолиби саналади.

Теран фикрли бу ёш болакайнинг келажақдаги орзулари бисёр. Ўқиб, илм олиб таникли бир инсон бўлмоқчи. Зеро, мустақил давлатимиз келажаги ёш авлод кўлида. Элзодга ўхшаган иқтидорли болаларни тарбиялаш барчамизнинг бурчимиз бўлиши керак. Элзод, албатта, ўқиши, билими олиши, камолотга эришмоғи лозим.

Мамаражаб ТўРАЕВ

## ЯНГИ ДАРСЛИКНИ КУТАМИЗ

Истиқлолимизнинг илк йилларидан бошлаб, тасвирий санъат ўқитувчилари олдида кўпгина муаммолар юзага келди. Шундай муаммолардан бири эски ўқув кўпнама ва дарсликларнинг таллабга жавоб бермай қолганлиги бўлса, иккинчиси янгича дарс режаларини шакллантириш, илгор тажрибаларини ўзлаштиришдаги қийинчиликларни бартараф этиш каби вазифалар эди. Бу муаммоларни босқичма-босқич ҳал этишда РТМ ҳамда ЎзПФТИ, шунингдек, Тошкент шаҳар ПҚТМОИ томонидан кўрсатиб келинган доимий илмий-методик ёрдам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бугунги кунда у ўз самарасини бермоқда. Шу ўринда Тошкент шаҳар ПҚТМОИ тасвирий санъат ва чизмачилик бўлими услубчиси Ҳалима Рустамова бошчилигида шаҳар умум-

таълим мактабларида ўқув семинарлари ташкил этилиб, соҳа устозларига кўрсатилган ёрдамни алоҳида таъкидлашди.

Мустақилликкача бўлган даврларда, тасвирий санъат ва чизмачилик фанидан яхши бир мукамал ўзбек тилидаги дарслик йўқ эди. «Таълим тўғрисида»ги жоиз қонун ва истиқлол йилларидаги олиб борилган илмий изланишлар натижасида бошқа фанлар қатори тасвирий санъат ва чизмачилик ўқув фанидан ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган мукамал дарслик яратилди имконияти вужудга келди.

Бир қанча ўқув фанларидан ташқи кўриниши гўзал, ички билими жиҳатидан мукамал, буюк аждодларимиз ўғитлари ва улар ҳақидаги маълумотлар киритилган, миллий хусусиятларимиз билан бойитилган аjoyиб дарсликлар нашр этилиб,

янги ўқув йилида мактаб ўқувчилари кўлига етиб келди. Биз тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчилари ҳам 2001-2002 ўқув йили учун ўз фанимиз, ўқувчиларимиз дарслигини орзиқиб кутган эдик. Лекин дарсликка баъзи қўшимчалар, тўлдиришлар киритилиши муносабати билан дарсликни нашр эттириш бир неча ойга кечиктирилди. Уйлаймизки, янги чиқаётган тасвирий санъат ва чизмачилик фани дарслиги буюк аждодларимиз ҳақидаги маълумотлар миллий хусусиятларимиз ила бойитилганлиги билан ўзига хос ажралиб туради ва яқин вақтларда ўқувчиларимиз кўлларига етиб келади.

Қудрат МИРАҲМЕДОВ,  
Шайхонтоҳур туманидаги  
82-мактабнинг тасвирий  
санъат ўқитувчиси

Бугун мактаблар кутубхоналарини китоблар билан таъминлаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, бошқа қардош республикаларда мактаб дарсликлари мутлақо чоп этилмагани ҳолда, аксинча, бизнинг республикамизда бу борада улғу ишлар бажарилди. Ҳатто бошланғич синф ўқувчилари учун имтиёзли китоблар етказиб берилганлиги қувонарлидир. Шунингдек, ички имкониятлардан, яъни мавжуд адабиётлардан эҳтиётлик билан фойдаланиш биз кутубхона ходимларининг бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиздандир. Бу масъулятни мактаб ўқувчиларининг ўзлари ҳам чуқур ҳис қилаётганликлари кишини қувонтиради. Улар бу борада турли ташаббуслар билан чиқаётдилар. Янги ўқув йилида мактаби-

## НОЗИМАНИНГ СОВҒАСИ

мизнинг энг аълочи, 8-«Б» синф ўқувчиси Нозимахон Шамсутдинова кутубхонамизга ўзининг шахсий кутубхонасидан 100 та китобни совға қилди.

Нозиманинг ташаббуси ҳозирданок кенг қулоч ёзди. Ўқувчиларимизнинг бу ташаббусга жавобан қилаётган саъй-ҳаракатлари қувончлидир.

Муҳаммадали БОЙМИРЗАЕВ,  
Избоскан туманидаги 6-мактаб кутубхоначиси

## ФАРЗАНДЛАР ОЛДИДА ҲАМИША БУРЧЛИМИЗ

Халқимизда: "Исми жисмига монанд экан", деган нақл бор. Ўзига нисбатан ана шу иборанинг ишлатилганини эшитган ҳар бир кишининг, шубҳасиз, руҳи кўтарилсади.

Уйлаб кўрганмисиз: болангизнинг исми қандай маънони билдиради? Исм боланинг бутун ҳаёти давомида унинг ажралмас ҳамроҳи бўлади. Ҳаётда исми жисмига монанд аjoyиб, машҳур кишиларни биламиз, шундай кишиларга ҳавас қилиб, фарзандларимизга уларнинг исмини берарамиз. Лекин баъзида исмининг жарангдор эшитилишига мафтун бўлиб, маъносига эътибор бермай қўйишдан ўзимизни асрамоғимиз ҳам керак бўлади. Ўзбекча исмлар қатори араб ва форс-тожикча исмлар маъносини ҳам жуда яхши билиш лозим. Абдулло, Алишер, Бобур, Фазлиддин исмлари қаторида Фурқат, Жобир

сингари исмлар борки, араб тилидан ўзлашган бў сўзлар замирида "айрилиқ" (Фурқат), "жабр қилувчи" (Жобир) маънолари борлигини билишимиз зарур. Дейлик, сиз Зулфизар, Зарина, Зарнигор сингари исмларни ёқтирасиз, шу исмлардан бирини туғилажак фарзандингизга қўйишни ният қилдингиз. Аммо шошилманг: қора сочли бўлиб туғилган жажжи қизалогингизга Зулфизар ("заррин сочли қиз") исми мос келармикан?

Ҳаётимиз шамчироғи, умримиз давомчиси бўлган азиз фарзандларимиз олдидаги дастлабки бурчимизга масъулият билан ёндашайлик, токи болаимиз биз кўйган исм билан умр бўйи фахрланиб, руҳан тетик бўлиб ўссин.

Муяссар БҮРОНОВА,  
Ғиждувон туманидаги  
51-мактабнинг она тили ва  
адабиёт ўқитувчиси

## УМР САБОҚЛАРИ

Умр баҳорга ўхшайди. Фақат қалб элга тўла меҳр билан анҳорга ўхшасагина...

\*\*\*  
Тил заҳри ҳам қотил, ҳам айрилик доғидек оғирдир. Тириклайин айиртиради.

\*\*\*  
Инсон сабр-бардошни ишга солиб, ҳаётда чумоли ташвишини қўллай олса, меҳр-шафқатли; ҳаёти - тотли, завқли, фаровон, меҳнатга қалб билан киришган, ўта тadbиркор бўлармиди?

Эргаш АТОЕВ,  
Навоий вилояти

## АРМОН

(Катра)

Ташқарида шамол гувиллайди. Беқарор шамол гоҳ чанг-тўзон кўтаради, гоҳ деразамга бош уради. Шу дамда негадир юрагим зириллаб, орқага тортандай бўлди. Гўё шамол менга умрнинг ҳам мана шундай елиб ўтаётганини эс-латгандек туюлди. Эҳ, умримиз... шамолдек беҳуда ўтган онлар, бой берилган имкониятлар, бажарилмаган ишлар, армонлар... Ҳаётимнинг қанчадан-қанча ганимат дамлари худди шу шамолдек беҳуда ўтган экан, деган бир армон дилимни ёмон ўртади. Ўзимга берилган бебаҳо неъмат ҳисобланмиш вақтдан қандай фойдаландим? Энг муҳими, ҳаётда мендан қандай из қоляпти? Ана шундай саволлар қалбимни тирнай бошлади. Ташқарида ҳамон шамол эсар эди.

Ўқтам СУЛТОНОВ,  
Ҳазорасп туманидаги  
39-мактабнинг она тили  
ва адабиёт ўқитувчиси

## КЕКСА МУАЛЛИМ ИБРАТИ

Сирдарё вилоятида яшаб, намунали ижод қилаётган Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг ўзи сингари оқибатли, халқларвар дўстлари кўп. Сирдарё туманидаги кекса педагог, адабнинг собиқ синфдоши Иброҳим Акаев ҳам саховатли қалб эгасидир. У қарийб қирк йил тумандаги 20-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида ибратли фаолият юритган.

Иброҳим ака ҳозир 66 ёшда. Яқинда у ўзи ишлаган мактаб кутубхонасига 240 та бадиий китоб совға қилди.

Фахрий педагог томонидан ҳада этилган китоблар орасида Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сидан тортиб, шоир дўсти Тўра Сулаймоннинг китобларигача бор. К.ҲОЖИЕВ

## ЁВУЗЛИККА ҚАРШИ ЖИПСЛАШАЙЛИК

тушган бу мусибат бир йилдирки эзиб келмоқда. Шунинг учун Америкада бўлган воқеа газабимни кўзгади. Халқимизга тинчлик-хотиржамлик тилаб, ёвузликка қарши жипс бўлишларини истасан ҳолда укам хотирасига бағишлаб ёзган шеъримни жўнатмоқдаман.

Ўн гулингдан бир гулинг ҳам очилмади,  
Кувёв тўнинг эскириб ҳам улгурмади.  
Ватан недур— сен билдинг, ёв билмади,  
Укажоним, жаннатларга шошилдингми?

Ватан дея кўкрагингни ўққа тутдинг,  
Ўз номингни шарафларга мангу битдинг.  
Қутлуғ қонинг ила халқинг қафтда тутдинг,  
Укажоним жаннатларга шошилдингми?

Зухра ЭСОНОВА,  
Шарғун шаҳридаги 2-истеъодли  
болалар мактаб-интернати директор  
ўринбосари

Саҳифани Х.НИШОНОВ  
тайёрлади.

Икки минг киши яшайдиган қишлоғимиз номининг луғавий маъноси "Асл дашт" ёки "тоза дашт" деган маънони англатади.

Унинг бундай номланиши арабларнинг юртимизга бостириб келиши билан боғланади.

Араб лашкарлари юртимизни ўз халифалигига вақтинчалик бўйсундирган вақтда улар бизнинг мўъжазгина қишлоғимизда ҳам бўлганлар. Қишлоғимиз туманининг шимоли-шарқидан жойлашган бўлиб, ёнимизда унлаб қишлоқлар жойлашган. Бу қишлоқлар орасида ўзининг чиройли манзараси, зилол булоқлари, меҳмондўст одамлари билан алоҳида ажра-

## «МИРДАШ»

либ туради. Араблар чўл кўйидаги бу аjoyиб манзарани кўриб, зилол сувларига боқиб, чашмалардаги сузиб юрган баликларига ҳавас билан қараб "Мирдаш" деб юборганлар. Мир сўзи араб тилида "асл", "тоза" деган луғавий маънони англатади.

Мирдаш қишлоғининг тарихи милoddан аввалги даврларга бориб тақалади. Биз қишлоғимизда қазув ишлари олиб борганимизда, катта сопол кўзаларга одамнинг суяклари солиб қўмилганининг гувоҳи бўлдик. Бундан қишлоғимизда зардуштийлик даврида ҳам одамлар яшаганлиги маълум бўлди. Қишлоғимиз тарихи жуда қизиқарлидир.

Бундай кўҳна, бой тарихга эга қишлоқлар юртимизда кўплаб топилди. Биз муаллимлар ўқувчиларга улар ҳақида гапириб берсак, болаларда юртга муҳаббат, тарихга ҳурмат туйғуларини тарбиялаган бўлар эдик.

Норкул УМАРОВ  
Хатирчи тумани Мирдаш қишлоғи

**Ўзбекистон Давлат Филармониясининг машқлар хонасига кириб борганимда, мени бир гуруҳ созандалар қуршовидаги Муножот Йўлчиева кутиб олди. Чамамда, улар катта концерт дастурига тайёргарлик кўришмоқда эди. Репетиция тугагунча ўша хонанинг ўзида кутиб ўтирдим. Бир қанча кўшиқларнинг тайёрланиш жараёни — авж пардага чиқиш, мусиқа ва матннинг бир-бирига омукта қилиниши каби босқичларни кузатдим.**

**Репетиция тугагач, халқ кўшиқлари ҳамда мумтоз ашулаларнинг моҳир ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева билан суҳбатда бўлдик.**

— Илк сабоқни берган муаллимнингизни қандай хотиралар билан эслайсиз? Ва унинг Сизда ёрқин таассурот қолдирган хислати?...

— Мен Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ қишлоғида туғилдим, ўсдим. Дастлаб ўша қишлоқдаги 45-мактабда, сўнгра 21-мактабда ўқидим. Биринчи ўқитувчим... Тўғриси, ҳозир муаллимимнинг исми ёдимда йўқ. Ҳаммамиз у кишини Абдазов домла дер эдик. У киши каттиққўл, талабчан эдилар. Домланинг ҳеч қайси дарсида бефарқ ўтирмас эдик. Домламиз каттиққўл бўлиш баробарида меҳрибон, ҳар бир ўқувчини чин юракдан севадиган киши эканликлари ҳам ёдимда. У домладан кейин Маърифат ая деган бир ажойиб аёл 4-синфга бизни илму ҳикмат нурларидан баҳраманд этди. Французлар мен ҳақимда бир фильм тайёрламоқчи бўлди ва барча устозларим, мактабда менга сабоқ берган муаллимлар билан учрашув ўтказдик. Бу фильм ўтган йилнинг март ойида эфирга берилди. Биласизми, французлар мана шу санъаткорга ким таълим берган, унга "Алифбо"ни ўргатган киши қандай инсон эди, унинг шу даражага етишишида мурабийлари, ўқитувчиларининг ўрни қандай бўлди" деган саволларга жавоб излашди. Мен барча ўқитувчиларим сиймоси ана шу фильмда муҳрланиб қолганлигидан хурсандман. Фильмининг Франциядаги энг катта телеканаллардан бирида намоиш этилганлиги, устозларимнинг мунис ва меҳридон чехраларини ўзга бир давлатда кўриб, ҳавас қилишганлиги мени ҳам тўлқинлантиради.

— **Ўзингиз гап бошлаб қолдингиз. Сизнинг чет элларда, айниқса, Францияда кўпгина мухлисларингиз борлигини, улар Сиз ҳақингизда жуда чиройли фильм яратишганлигини ўзбек халқи яхши билади. Чет элликларнинг ўзбек миллий мусиқасига қизиқшини нима билан изоҳлаган бўлардингиз?**

— Улар фақатгина менга ёки менинг санъатимга эмас, балки, ўзбек халқига, унинг тарихига, миллий либосларига, урф-одатларига қизиқшади. Ўзбек мумтоз адабиётига ҳам улар шу қадар ихлос қўйишганки, 1991 йилда Франциядаги "Аукцион поэтик" журнали муҳаррири Жан Пьер Балп бизнинг етук классик шоиримиз, буюк мутафаккир, ҳазрат Алишер Навоийнинг ғазалларини француз тилига ўгириб, уни Парижда чоп этган. Мен ижро этадиган "Ўлтургуси", "Муножот", "Ушшоқ" каби ашулаларнинг ғазаллари ҳам ўша таржимада бор. 1991 йили Францияга қилган сафарим чоғида бутун мамлакат шаҳарлари бўйлаб ўтказилган "Шеърят кеча-си"да иштирок этганман. Ўша

кечада Навоий ғазали билан айтилаётган бир қанча ашулаларни жонли овозда куйлаганман. Италия, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Буюк Британия каби давлатлардан келган барча шеърят ихлосмандлари менинг ижроимдаги ашулаларни мароқ билан тинглашган. Улар кучли фалсафага, теран фикрга бой бўлган ғазалларни ҳайрат билан тинглашганлигини кўриб, ўзим ҳам хурсанд бўлиб кетганман. Уларни ҳам сўз, ҳам мусиқа, ҳам ижро мафтун этади. Баъзи таржима қилинмаган ашулаларни овоз билан, ҳаттиҳаракат билан томошабинга етказиб беришга ҳаракат қилариз. Чет эллик мухлисларимиз нозик дидли, юқори маданиятга эга. Томошабин эстетикаси нималардан иборат эканлигини англайдиган кишилардир. Улар ҳаттоки кўшиқда айтилмоқчи бўлган нозик бир жиҳатларни, қочиримларни ҳам хис қиладилар. Бор овозни

**Mehmonхона**



сабаб деб билмайман. Асосий сабаб бу — ашулани, яъни ижрони тингловчига етказиб билишни урдаламасликда. Тингловчига куйланаётган ашуланинг мазмунини овоз, мусиқа, ижро орқали сингдириш ўзбек мумтоз кўшиқларини куйлаётган санъаткордан талаб қилинади. Ана шу нарса баъзи ёш санъаткорларнинг овоз диапазони, авж пардаларга кўтарилиши, ритмга тушиши, ҳамма-ҳаммаси мақомларни, катта ашулаларни куйлашга етади. Ёш хонандаларимиз, мақом йўналишини битиргач мана шу йўналишда эмас, эстрада йўналишида ижодларини давом эттиришаётганлигининг асосий сабаби, уларнинг ўзи

ни давом эттираётган созанда Шавкат Мирзаевдан бугун санъатнинг баъзи қирраларини, кашф қилинмаган томонларини ўрганишман. Улар тенги йўқ мураббий, чин маънодаги устоз. Мана шу отабола, Муҳаммадҷон Мирзаев ва Шавкат Мирзаев туфайли мен шу даражага эришдим, озми-кўпми халқнинг меҳрига мушарраф бўлдим. Кўпчилик мендан ахир улар ҳофиз эмас, созанда-ку, ашула айтмайдиган киши ҳам устоз бўлиши, кимгадир кўшиқ айтиш сир-синаотларини ўргатиши мумкинми, деб сўрашди. Шогирдга ниманидир ўргатиш учун киши кўшиқчи бўлиши шарт эмас. Менинг устозларимда ички овоз бор. Ашулаларни меъёрига етказиб куйлашни ўргатишда ана шу ички овоз кўл келади.

— **Мактабда қайси фанларни севиб ўргандингиз?**

— Мен асосан ижтимоий фанларни яхши кўрардим. Тарих, география, адабиёт, француз тили фанлари менинг жону дилим эди.

— **Француз тилида эркин гаплаша олсангиз керак?**

— Афсуски йўқ. Аммо баъзи пайтларда француз тилида таржимонсиз ҳам фикримни ифода қила оламан. Француз тилидан кўра кўпроқ инглиз тилида яхшигина суҳбатлаша оламан. Форс тилини биламан.

Мактаб даврида болалик

...Акамни ҳарбий хизматга кузатиш чоғида уйимизда катта йигин ўтказганмиз. Ўшанда мен биринчи марта ашула айтганман. Андижон шаҳрида яшайдиган Абдуллаҷон тоғам "бу куйлаётган ким, ажойиб овози бор экан-а", дебдилар оймимга. Шунда онам "Муножот-ку, унинг яхшигина овози бор, лекин отаси кўшиқчи бўлишига йўл қўймайди-да", деб жавоб берибдилар. Тоғам мен уйга киргач, қани янйим, яна битта ашула айтиб берчи, деб қолдилар. Билганимча хиргойи қилдим.

Шундан кейин тоғам отам билан маслаҳатлашди. Отам "ҳа шунчалик истеъдоди, ширали овози бор экан, ўқисин, ўргансин", деб розилик бердилар. Отамнинг оқ фотиҳасини, маслаҳатларини, йўл-йўриқларини олиб мен Тошкентга келдим. Ҳеч қандай мусиқий билим олмаганим сабабли 1978 йилда Тошкент Давлат Консерваториясининг тайёрлов бўлимида мусиқа сир-синаотларини ўргана бошладим.

— **Муножот опа, санъат доимо эзгулик учун хизмат қиладими?**

— Ҳа. Санъат шундай нарсаки, у кишига маънавий, руҳий қувват, куч-қудрат беради. Сизга бир воқеани айтиб берай. 2000 йилда биз Англияга гастролга бордик. Саҳнага чиққанимда биринчи қаторда ўтирган томошабинлар орасидаги бир ҳинд миллатига мансуб кишига кўзим тушди. У ашуламини шу қадар берилиб, кўзида ёш билан тинглади. Концерт тугагач, ўша киши келиб "мен Сизнинг ашулаларингизга тушундим", деди. Бунга ажабланмадим. Чунки кўпгина классик шоирларимизнинг ғазалларида урду, пуштун, форс сўзлари учрайди.

"Мен фалаж бўлиб қолган эдим, — деб гапини давом эттирди ўша мухлисим, — касалхонада ётганимда Сизнинг ашулаларингизни тинглаб руҳий куч олдим. Ашулалардаги маънони, фалсафани хис қилиб ҳаётга бўлган муҳаббатим ошди. Ва мен биринчи бор Сизни тинглаганимда ният қилган эдим. Қани энди шу санъаткорнинг ўзини кўрсаму, унинг концертига ўз оёқларим билан юриб борсам, деб. Бугун биринчи бор ўзим мустақил равишда концертингизга юриб келдим. Сизга раҳмат", деган вақтида мен бошқача аҳволга тушдим ва унинг гапларини эшитиб йиғлаб юбордим. Шунчалик мени билишларидан, санъат нималарга қодир эканлигидан ҳайратда қолдим. Бундай воқеалар ҳаётимда кўп бўлиб туради.

— **Мураббийларга, Ўзбекистон ўқитувчиларига, кўп сонли мухлисларингизга тилақларингиз.**

— Энг аввало уларга мустаҳкам соғлиқ, кучли ирода тилайман. Ҳар бир муаллимнинг кўнгли, уйи тинч бўлсин. Ёш авлодга таълим-тарбия беришда уларга сабрбардош, қаноат тилайман. Ёшларимиз ҳар томонлама мукамал, қомил инсон бўлишлари учун ўзларидаги бор қобилият ва истеъдодни сарф этишсин. Янги дунё кашф қиладиган болажонлар олдидаги уларнинг салобати, ҳурмати сақлансин. Муаллимларнинг кенг дунёқараш ва фикрлаш доиралари туфайли янги авлод доимо юксак мувафақиятларга эришсин.

**Шарифа МУРОДЖОН қизи суҳбатлашди.**

**Муножот ЙЎЛЧИЕВА:**

**ЎЗИМ ХАЛИ ШОҒИРДМАН**

вақти келганда кўрсата билиш эса, санъаткорнинг вазифаси.

— **Ҳар гал биринчи бор саҳнага чиққанингиздаги каби ҳаяжонланасизми? Айтмоқчиманки, елкангиздаги масъулиятни ҳар гал ҳам хис қиласизми?**

— Биласизми, 1980 йилда телевидениеда "Назм ва наво" кечази бўлган. Ўшанда биринчи бор саҳнага "Муножот"ни куйлаб чиққанман. 19 ёшда эдим. Унда халқнинг назарига тушиш олий бахт эканлигини, санъаткорнинг санъат олдида ҳам, элу юрт олдида ҳам ўзига яраша масъулияти, вазифаси борлигини хис қилганман. Ҳозир ўша пайтдагидан кўпроқ ҳаяжонланаман. Сабаби, бугун мени эл танийди, мухлисларим мени Муножот, деб алқашади, улар мендан янги-янги ижролар кутади. Томошабиннинг кўнглига йўл топа олиш, унинг назаридан қолмаслик учун ҳам бугун кўпроқ изланаман, елкамдаги ҳам шарафли, ҳам оғир юкни хис этиб ижод қиламан. Янги-янги ашулалар куйлаш истаги билан яшайман. Айтмоқчиманки, ҳар сафар саҳнага, томошабин олдида катта ҳаяжон ва кўрқув билан чиқаман.

— **Мумтоз ашулаларни, мақомни ҳамма ҳам куйлай олмайди. Сизнинг назарингизда бугун кўпчилик ёш санъаткорларнинг эстрадага "шўнғиб кетиши" ўзбек халқ ашулалари, мақомларнинг катта маҳорат билан куйланишини талаб қилишида эмасми?**

— Йўқ. Бу нарсани асосий

ҳали классик ашулаларни, мақомларни тингловчига етказиб беришга тайёр эмаслар. Баъзи ёш хонандаларимизнинг ўзлари ҳам ҳали классик ашулаларни ўзларига сингдира олмаяптилар.

— **Устозлик мақомига эришдим, деб ҳеч ўйлаб кўрдингизми?**

— Йўқ. Устоз дегани бу жуда улкан ва залворли вазифа. У шундай киши бўлиши керакки, санъатнинг барча икки-чиқирларини, қаерда бор овозда куйлаш, қаерда сўзга, ҳаттоки товушга ҳам маъно юклашни билиши лозим. Бир-иккита ашула айтиб, ёки бир-икки бор телевидениеда чиқиш қилиб устозлик мақомига эришиб бўлмайди. Бир-иккита ашулани кимгадир ўргатиш билан устозлик даражасини олиб бўлмайди. Устоз бўлиш учун ҳар томонлама пухта билимга эга бўлиш керак. Устозлик шундай нарсаси, бу — игна билан қудуқ қазишдек машаққатли меҳнатни талаб қиладди. Сиз шогирдингизга ўргатаётган ашуланингизни бошдан-оёқ мукамал биласизми? Ёки ўша ашуланинг келажаги, унинг тингловчи қалбида мангу муҳрланиб қолишига ишонасизми? Устоз мана шундай саволларга ижобий жавоб бера олиши шарт. Мен ҳали кўп нарсаларни билмайман. Ҳануз изланишданам, ҳануз шогирдман. Марҳум санъаткор, созанда Муҳаммадҷон Мирзаевни жуда катта эҳтиром ва ҳурмат билан устозим деб айта оламан. Домланинг фарзанди, ота касби-

қилиб француз тили дарсларини яхши ўзлаштирмаганим сабабли, бу тил жуда керак бўлганда уни ўрганиб олишим жуда қийин бўлди.

— **Мухлисларингиз оилангиз ҳақида ҳам билишни исташади?**

— Ота-онам оддий кишилар бўлишган. Ака-укаларим, опа-сингилларим санъатга жуда қизиқишади, кўшиқ айтиб туришади. Кенжа синглим Дилфузахон ва менгина дипломли санъаткорлармиз. Биз оилада 8 нафар фарзандмиз. Олти қиз, икки ўғил. Онам ҳозир етмиш ёшга бориб қолдилар. Ҳозир ҳам ажойиб овозлари бор. У кишининг овози, миллий лапарларимизни маромига етказиб айтишлари ҳаммамизни қувонтиради. Онамиз ёшлигида ашула айтган, санъатга жуда қизиққан. Лекин ўша пайтдаги муҳит, оилавий шароит, қиз боланинг санъаткор бўлишига қаршилик қилишлар онамнинг Тошкентга келиб, эл-юрт назарига тушадиган кўшиқчи бўлишига тўсқинлик қилган. Бу нарса онам қалбида армон бўлиб қолган. Болалигимизда "қани энди бирортангиз кўшиқчи бўлсангиз", деб айтиб юрарди. Ҳаммамиз йиғилиб қолган пайтимизда онажонимизни кўшиқ айтишга ундаймиз. Уларнинг ижроларидан завқ оламиз.

Отам қиз боланинг санъаткор бўлишини, уйдан узоққа кетиб ўқитишни хоҳламас эдилар. Мен ҳам бир тасодиф туфайли Тошкентга келиб қолганман...

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам шаклан, ҳам мазмунан эскиридан тубдан фарқ қилувчи 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг белгиланиши ҳақиқий янгилик бўлди.

Бу фақат мақомнинг ўзгаришигина эмас, балки мамлакат халқ хўжалиги мажмуаси учун меҳнат ресурслари тайёрлашнинг гоёвий, мазмун ва илмий-методик жиҳатдан янгилини ҳамдир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий модели дастурий ҳужжатлари орасида Давлат таълим стандартлари (ДТС) алоҳида ўрин тутди. Бугун ва ўтмиш даври тахлил қилинар экан, ўрта махсус, касб-хунар таълимида стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш борасида нималар қилинди ва яна нималар қилиниши лозимлиги ҳақида фикр юрийтиш имкони туғилди.

Таълим стандартларининг таркибий қисмларидан бири ўзида 274 касб тури ва 800 га яқин ихтисослик бўйича ёш мутахассисларни тайёрлашни назарда тутувчи таснифлагич ҳисобланади. Республикада янги ишлаб чиқариш шакллари юзага келиши, бозор муносабатлари тизими ва қонунларнинг ривожланаётганлиги сабабли унга "Менежмент", "Маркетинг", "Тижорат иши", "Хуқуқий-хўжалик фаолияти", "Биржа фаолияти", "Статистика", "Фермерлик хўжалигини ташкил қилиш ва олиб бориш" каби кўплаб касб тармоқлари киритилди.

1998 йилдан объект, мақсадлар, вазибалар, стандартлаштириш тамойиллари, категориялари, кўриниши ва шакли, ишни ташкил қилиш усуллари белгилаб берган ўрта махсус, касб-

рол ўйнайди. Уларни ишлаб чиқиш жараёнида чет эл тажрибаси ўрганилди, хорижий экспертларнинг маслаҳатларидан фойдаланилди, республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз йўлларимиз, ўзимизнинг услуб ва технологияларимиз тадқиқ қилинди.

Европа таълим Жамғармасининг "Стандартлар-2000" дастури, Ўзбекистонда касб-хунар таълимини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш бўйича Халқаро лойиҳалар (ТАСИС, ГТЗ, ОТБ) билан яқин алоқалар халқаро миқёсда кадрлар тайёрлаш стандартларига яқдил ёндашув йўқлиги ҳақидаги фикрни белгилаб берди. Жаҳонда кўплаб жуда хилма-хил концепция ва моделлар, жорий этиш ва назорат қилиш механизмлари мавжуд, улар эса ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ва инфратузилмаси билан белгиланади.

Шу билан бир қаторда 2000 йил март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ЕФО дастури доирасида Халқаро Симпозиум Ўзбекистоннинг тармоқ стандартларини ижобий баҳолаб, унда ишлаб чиқариш ва меҳнат бозори эҳтиёжларининг кўзда тутилганлиги, шахсий ва профессионал ривожланишнинг муҳимлиги; бандлик хусусиятлари, ўқув ва баҳолашга оид хусусиятлар; 7 та асосий компонентлар (қўлланми соҳаси, фаолият доираси, касбий тавсифнома, тайёргарликнинг энг кам мажбурий даражаси, намуна йўқ дастури, стандарт бажарилишининг назорати)нинг мавжуд эканлигини эътироф этди.

## Jarayon

сўнги вариантыга кўра, аввало қобилият эътиборга олинди, кейин шу қобилиятга мос қандай билимлар берилиши аниқланади.

Ўқувчи ва талабаларни касбга йўналтириш борасидаги ёндашувлар ҳам қайта кўриб чиқилди. Уларнинг касб эгаллашга бўлган интилиш ва қизиқишларини, рағбатлантирувчи омилларни ривожлантириш учун стандартлар биринчи курсдаёқ касбга тайёрлов фанлари ва ўқув амалиётларини кўзда тутди.

Бироқ, биринчи навбатда, муваққил фикрлилик, уддабуронлик ва чиқиш кета билиш қобилиятларига, сўнгра, мутахассиснинг профессионал имкониятлари ва рақобатбардошлигига асосланган иш берувчининг талабларига мос келадиган битирувчининг шахсий фазилатлари даражасини ўлчаш мезонларини аниқлашда муаммолар мавжуд. Қобилият ва билимларни, уларнинг ўзига хос жиҳатларини инobatга олган ҳолда баҳолаш ва назорат қилиш бўйича ягона тизим ҳам ўрганиб чиқиш ва тақомиллаштиришга муҳтож.

Бугунги кунда ЎМКХТ тизими билан меҳнат бозори субъектлари ва институтлари ўртасида ўзаро таъсирчан муносабатларга асосланган мукамал ҳамкорлик механизмини шакллантириш марказий муаммо бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий ҳамкорлик институтлари билан алоқаларнинг яхши йўлга

# МАЖБУРАТЛАР МАҚОМЛАШИШ БОРАВЕРАДИ

хунар таълими стандартларининг "Асосий қоидалари", шунингдек, стандартларнинг бажарилиши устидан давлат назорати ҳақидаги Низомнинг илмий асослари ишлаб чиқишга бошланганди. Янги таълим тизими марказида инсон туриши ҳисобга олинди, стандартга ижодий, ижтимоий жиҳатдан фаол, маънан бой, халқнинг тарихий ва маданий мероси билан тарбияланган шахсни камол топтириш мезонлари киритилди.

Асосий диққат умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-хунар таълими ҳамда олий таълим тизимидаги ўқув дастурлари узлуксизлигининг илмий асосланган мезонлари билан юзага чиқарилган умумтаълим стандартларини ишлаб чиқишга қаратилди. Стандартларда битирувчиларга олий ўқув юртларига кириш имкониятини берувчи билим, маъна ва кўникмаларининг энг кам мажбурий миқдори белгиланган.

2 йил давомида бу стандартлар академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидаги 54 та эксперимент майдончаларида синовдан ўтказилди ва мутахассисларнинг синов натижаларига берган баҳолари асосида 2000 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ЎМКХ давлат таълим стандарти, унинг "Асосий қоидалари" ва 20 та умумий таълим стандартлари тасдиқланди. Айни пайтда уларни ЎМКХТ тизимидаги ҳар бир таълим муассасасида жорий этиш ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Соҳанинг бутун кадрлар тизими — Марказ, ЎМКХТ ҳудудий бошқармаларидан тортиб то ишлаб чиқариш таълими ўқитувчилари ва усталари гача оммавий ўқув ишлари билан қамраб олинган.

Маълумки, касб-хунар коллежларида кадрлар тайёрлаш мазмунини янгилашда тармоқ стандартлари муҳим

Касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш йўналиши бўйича 185 соҳа ва академик лицейларда чуқурлаштирилган умумтаълим тайёргарлиги бўйича 4 та йўналиш стандартлари ишлаб чиқиш, ҳозирда республикадаги 76 та синов майдончасида экспериментдан ўтказилмоқда. Бир вақтнинг ўзида стандарт таркибига кирувчи касбларнинг ўқув дастурлари, шунингдек, умумкасбий ва махсус фан соҳалари мутахассисларини тайёрлаш бўйича 3000 дан ортиқ ўқув дастурлари ҳам синовдан ўтказилмоқда.

2001 йил февраль-март ойларида ЎМКХТ Марказининг Давлат таълим стандартлари бўлими томонидан ЎМКХТРИ соҳа вазирликлари билан ҳамкорликда 30 та соҳа стандартлари, касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлаш бўйича 300 дан ортиқ дастурлар, шунингдек, 1998 йилда ташкил этилган академик лицейларда чуқурлаштирилган умумтаълимий тайёрлов бўйича 4 та йўналишнинг синов натижаларини муҳокама қилишга бағишланган минтақавий семинарлар ўтказилди. Муҳокама натижалари ва сўнги кўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда улар тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими мутахассисларини тайёрлаш йўналишларининг таснифлагичга кирган қолган касблар бўйича 86 соҳа стандартлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш эса давом этмоқда.

Соҳа стандартлари билан ишлаш жараёнида айрим саволлар туғилди ва улар аста-секин ойдинлашиб, янги мазмун-моҳият касб эта борди. Масалан, ЕФО дастурида иштирок этиш, хорижий экспертлар билан маслаҳатлашишлар биздаги "Стандартнинг профессионал тавсифидаги асосий компонент — билимдир", деган тасаввурни ўзгартириб юборди. Стандартнинг

қўйилмаганлиги соҳа стандартлари лойиҳалари устида ишлаш сифати ва бу ишларни ташкил этишда яққол намоён бўлди. Энг аввало, иш берувчининг талаблари бевосита касбий тайёрловнинг мақсади, вазифа ва мазмунини белгилаб бериши, касбий талабларни кўтариб чиқиши, мутахассиснинг касбий ривожланиши ва шахсий ташаббускорлигини рағбатлантириши керак. Бугун ЎМКХТ тизими ва иш берувчилар ўртасидаги яқин алоқа ўрнатиш масаласи ҳамон очиқ қолмоқда.

Муаммолардан яна бири — таълим ислохотларидан жамиятнинг етарли даражада хабардор эмаслиги ва уларнинг аҳамиятини англаб етмасликдир. Натижада, бир томонлама жараён кетяпти, холос: Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ қилишдан фақатгина таълим тизими манфаатдор бўлиб қолмоқда. Шу сабабдан, мутахассисларга қўйилган буюртмаларни тузишда, уларнинг тайёргарлиги мазмунини аниқлашда, жойларда ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини сифатли ташкил қилишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг ташаббуслари кўринма-япти.

Табииyki, стандартларни яратиш ва жорий қилиш йўлининг бошида турганимиз учун биз бу каби катта-кичик муаммо ва масалаларни четлаб ўта олмаيمиз. Бироқ, мазкур стандарт қатъий ўрнатилган бўлмай, у бозор муносабатлари ва меҳнат бозори эҳтиёжларининг ривожланиши билан тўлдириб борилади ва тақомиллашади.

Г.ГОЛЕВА,  
О.МУСУРМОНОВ,  
ЎМКХТ Маркази Давлат  
Таълим Стандартлари  
бўлими мутахассислари

## ИСЛОҲОТ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Ёш авлоднинг камолоти йўлида қилинаётган гамхўрлик, таълимдаги туб ислохотлар туфайли ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Илгари эътибордан четда қолган билим масканлари ҳам янги мақомга эга бўлиб, жаҳон андозаларига мос тарзда таъмирланиб, жиҳозланмоқда.

Республикаимиз муваққиллиги йилларида, айниқса, таълим тизимидаги ислохотларни амалга ошириш даврида Булунғур туманидаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг моддий негизи ҳам, таълим жараёни ҳам янги шакл, янги мазмун касб этди. Мазкур масканга қадам қўйсангиз, бу ердаги тартиб, орасталиқдан кўзингиз қувнаб, дилингиз яйрайди.

Коллежда қишлоқ хўжалик машиналарини бошқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, фермер-ўсимликшунос, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, вино саноати мутахассиси, молия агенти мутахассислари тайёрланади. Асосан узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган Булунғур туманида бу тоифа мутахассисларга эҳтиёж катта. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг чуқурлашуви мазкур талабни янада оширмоқда.

— Билим юртимиз коллежа айланттирилганидан сўнг ўқув моддий-техникавий имкониятлар жуда ҳам яхшиланди,

### Milliy dastur — amalda

— дейди коллеж директорининг ўринбосари Раимкул Хўжамуродов. — Ўқув ва амалий машғулотларда фойдаланиш учун янги "Otoyol" юк машинасига, МТЗ-80 тракторига, "Tiko" автомобилига эга бўлди. Махсус фан кабинетлари, кўргазма-ускуналар, жиҳозлар, воситалар билан бойитилди. Япония билан тузилган шартнома асосида бошланган ҳамкорлик янги ва катта имкониятларни очмоқда. Шу туфайли хорижлик ҳамкорларимиз томонидан коллежимизга электрон алоқа ускуналари ҳадя этилди. Фан кабинетларига телевизорлар ўрнатилса, дарс жараёнини муттасил кузатиш, узокдан бошқариш мумкин бўлади. Техникавий таъминланиш янги педагогик технологияларнинг қўлланиш жараёнини тезлаштиради, албатта. Япония билан ҳамкорлик туфайли яқин келажакда коллежга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ускуналар, минизаводлар, мини-омборлар келтирилиши мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, коллежда ўқув хўжалиги мавжуд бўлиб, жами 13 гектар ерда узум, галла, беда, сазавот маҳсулотлари етиштирилади. Экинлар парвариши жараёнида талабалар деҳқончилик сирларини, техникаларни бошқаришни амалда ўрганадилар. Олинган даромад эса коллежнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга, ўқитувчилар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланади. Шу билан бирга ширкат ва фермер хўжаликлари, аҳолига кўрсатиладиган техника хизматидан келадиган фойда ҳам юқоридаги каби мақсадларга йўналтирилган.

Талабаларнинг дарсдан бўш вақтлари ҳам мазмунли ўтмоқда. 150 ўринли ётоқхона, кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, спорт иншооти талабалар ихтиёрига бериб қўйилганлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Дарсдан ташқари, тарбиявий ишларнинг самараси юқори. Бунинг натижаси ўлароқ, коллежнинг бадий ҳаваскорлик фольклор ансамбллари турли даражадаги кўриктанловларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Олис бир қишлоқда жаҳон андозаларига мос таълим масканининг мавжудлиги ёшлар келажатига умидимизни мустаҳкамлайди.

Р.ҚУРБОНОВ

Tadbir

# ТАЛАБАЛАР КУНИДА

Акмал Икромов тумани ҳокимияти биносида ЎзДЖТУ талабалари иштирокида халқаро талабалар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Кечада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати университет ректори Ж.Бўроновни фахрий аъзоликка қабул қилиб, ўзининг совғаларини топширди. Шундан сўнг кечанинг ижодий қисми бошланди. Ҳар бир факультетдан вакиллар ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "XXI аср ёшлари" клуби иштирокида турли хил чиқишлар қилинди. Айниқса, халқаро журналистика, рус филологияси, инглиз филологияси факультетлари талабалари, академик лицей ўқувчиларининг чиқишлари ҳаммада катта таассурот қолдирди. Бундай тадбирлар шубҳасиз ёшларнинг билим олишга бўлган иштиёқини тагин-да оширади.



тозларни қизгин қутлади. Кутлов сўнгида эса 250 нафардан ортиқ фаол талабаларга совғалар тухфа этилди. Тақдирланганлар орасида ЎзМУ, ТДТУ, ТДЮИ, ТДМИ, ТДПИ, ТДАКИ, Т Д Ш И, Т Д А Й И, ЎзДЖТУ ва бошқа ўқув юртларининг талабалари бор эди.

**Давронбек ТОЖАЛИЕВ,**  
талаба

Яқинда пойтахтимизнинг "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида жойлашган "Ёшлик" кафе-куй-кўшиқ ва ўйин-кулгидан ларзага келди. "Ёшлик" кафе-куй-кўшиқ ва ўйин-кулгидан ларзага келди. "Ёшлик" кафе-куй-кўшиқ ва ўйин-кулгидан ларзага келди. "Ёшлик" кафе-куй-кўшиқ ва ўйин-кулгидан ларзага келди.

Кеча йиғилганларда ажойиб таассурот қолдирди. Ушбу кечанинг шодликлари юрак тубидан қайнаб чиққан самимий дил сўзлари билан уйғунлашиб кетди. Ўзининг дил изҳори билан Ўзбекистон Миллий университети талабаси Зиё Норматов, Тошкент Давлат автомобиль йўллари институти талабаси Ким Татьяна ва бошқа талабалар сўзга чиқдилар. Бу кечага ташриф буюрган ҳар бир талаба қалбида талабалар фахри, гурури, ифтихори жўш урган бўлса, не ажаб.

**Абдулҳамид МУХТОРОВ**

*Диплома на бўлиш — бу ҳали том маънодаги зиёли эмас. Зиёли одам ўз тафаккур савияси, пок юра-ти, икки маданияти билан мушаккаб бўлади.*

**Ислом КАРИМОВ**

Бугунги куннинг олий ўқув юрти талабаси ўзига мустақилдир. Уларнинг аксарияти ота-онасидан алоҳида, яъни ётоқхона ёки ижарада эркин яшайди, кимим-чим ва стипендия пулини ўзи тақсимлайди. Ўқишга бориш ё бормаслик, кунлик дарс тайёрлаш-тайёрламаслик ҳам унинг ўз ихтиёрида. Дам олиш ва овқатланиш каби ларни ташкил этиш ҳам унинг ўз зиммасида-

## O'tmish va bugun

ночор яшашига қарамасдан, билимга ўта чанқоқ бу йигитчага ўзининг қаламдонига кўшиб, 3 динорни ҳадя қилди. Беруний икки динорга иккита китоб ва қоғоз харид қилди. Бир динорни умрининг охиригача мўъжизакор олам сирларини билишга йўл очиб берган

# УСТОЗ БЕРГАН 3 ДИНОР

лигини назарда тутсак, талабага ҳар бир масалада жуда-жуда ёрдам ва маслаҳат зарурлигини, бу ёрдамни эса ўқитувчидан бўлак ҳеч ким бера олмаслигини аниқ ва равшан тushунамиз. Демак, профессор-ўқитувчиларнинг уларга берадиган ёрдамлари бекиёсдир.

Узоқ ўтмишга назар солсак, 12 ёшли Абу Райҳон Беруний (973-1048)ни мадрасага олиб келган муаллим: "Танлаган йўлингдан бурилма, ҳар ерда ва ҳар қаерда ҳалол бўлгин, ҳаммаша атрофингдагилар билан иноқ бўл ва уларни ҳурмат қил, шундай яшагинки, вақт ўтгач, ўз қилмишинга пушаймон бўлма", деб айтди. Устоз

биринчи муаллимидан хотира сифатида асради. Бу устознинг шоғирдига берган беминнат ёрдами эди.

Бизнинг кўлимизда ўқиган бугунги ёшлар, келажакда бизга дарс берган олим ҳам ҳалол эди, одоб-ахлоқ борасида бизга ўрнак бўларди, маслаҳат ва ёрдамни аямасди, комил инсон даражасида эди деб эсласа ёки ёзса қандай яхши!

**Мусоҳон УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти доценти, техника фанлари номзоди

## Tanlov

Ҳар бир олий ўқув юртида бўлгани сингари, университетимизда ҳам турли тадбир, учрашув ва танловлар уюштирилаётганига гувоҳимиз.

Ўтган 2000-2001 ўқув йилида ўтказилган "Президент асарлари билимдонлари" кўрик-танловининг мантикий давоми сифатида "Асрларга тенг йиллар" танлови бўлиб ўтди. Дастлаб факультетлараро бўлиб ўтган танлов, кейинчалик, ўқув йили бошланиши билан университет миқёсидаги оммавий тадбирга айланиб кетди. Бунда иқтидорли деб топилган 12 нафар талабанинг билим даражалари уч босқичда сынаб кўрилди. Яъни талабалар ўтмишда Ўзбекистон мустақиллиги учун курашган ота-боболаримиз, юртимиз-

Бугун— Халқаро талабалар куни. Дунёнинг барча мамлакатларида ёшлар байрамига айланадиган бу кун республикамиз олий ўқув юртларида ҳам унутилмас санадир. «Халқаро талабалар куни»нинг расман эълон қилиниши иккинчи жаҳон уруши бошланган 1941 йилга бориб тақалади.

Саҳифамизда бугунги ўзбек ёшларининг талалабаликни чинакам маънодаги олтин даврга айлантираётган айрим вакиллари, шунингдек, республика миқёсида амалга оширилаётган ишлар, турли тадбирлар ҳақида сўз юритилади.

**"Камолот" ёшларимизнинг суянчи ва таянчи бўлсин.** Бу шиор йил бошида Президентимиз томонидан ташланган эди. Ҳақиқий ёшлар ташкилоти қандай бўлиши керак? Бу савол эндиликда барчани ўйлантирмоқда ва бу табиий ҳамдир.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ёшларнинг минглаб вакиллари билим олишади. Шу маънода "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати улар билан қандай алоқа ўрнатаётганлиги билан қизиқиб, марказий кенгаш бўлим мудири Бегмат Очиловга бир нечта саволлар билан мурожаат қилдик.

— "Камолот" жамғармаси ёшлар ижтимоий ҳаракатига айлантирилгач, мамлакатимиз олий ўқув юртларида қандай муҳит юзага келди?

— Умр инсонга бир бора бериладиган неъмат. Киши ҳаётининг 4-5 йили талабаликда кечиши мумкинлиги ҳисобга олинса, бу жуда ҳам қисқа даврдир. Президентимиз кўтарган ташаббусни қўллаб-қувватлаш ҳаракати бошлангандан сўнг, республикамизнинг барча олий ўқув юртларида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати-

нинг бошланғич ташкилотлари вужудга келди. Бугунги кунда мавжуд 61 та ўқув юртининг барчасида ҳаракат бошланғич ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар 463 816 нафар йигит-қизни ўз теваганига жипслаштирган. Ёшлик шундай даврки, ҳар нарсага қизиқувчанлик, жамиятга ўз ўрнини топиб олишга уриновчанлик айб эмас, фазилатдир. Демокриманки, ҳара-

уюштирган тадбирлари оммавий тус олиб кетди. "Хазина-2001" фестивали, "Қувноқлар ва зукколар" беллашуви, "Истиқлол умидлари" байрам тадбири, "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" шиори остидаги амалий мулоқотлар, Чирчиқ ҳарбий қўмондонлик танкчилар билим юртидаги "Ватанимга хизмат қиламан" байрам тадбири ва ҳоказо.

Янги 2001-2002 ўқув йили-

# СУЯНЧ ВА ТАЯНЧ БЎЛИШИ КЕРАК

катнинг бошланғич ташкилотлари жуда қисқа давр ичигаёқ ўз хизмат доирасини аниқ белгилаб олди.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида бошланғич ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тавсиянома тайёрланиб тарқатилди.

— Хўш, марказий кенгашнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорлиги қандай?

— Йил бошидан бери "Камолот"нинг айнан олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда

да ҳаракат бошланғич ташкилотлари ўз тажрибаларини ривожлантиришлари лозим бўлади. Шу йилнинг 27-28 июль кунлари Фарғона давлат университетига ўтказилган анжуман бу жиҳатдан ўз аҳамиятига эгадир.

— "Камолот"нинг халқаро ташкилотлар билан ҳам алоқаси мавжудми?

— ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда халқаро оромгоҳ ташкил қилин-

## Bizning suhbat

ди. 7-21 август кунлари бу ерда Қозоғистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Япония, Германия, АҚШдан 200 нафар ўқувчи дам олди. 14 кун мобайнида болалар жуда кўп билим ва ахборотларга эга бўлишди. Бундан ташқари, ЮНЕСКОга аъзо мактаб ўқувчилари ўртасида БМТ моделлари ўйини ўтказилди.

— Сизнингча, ижтимоий ҳаракатнинг янада фаоллашувига нималар тўсқинлик қилмоқда?

— Ёшлар билан ишлашнинг янги механизми бизда энди шакллана бошлади. Ёшларга эркинлик беришда, уларни қўллаб-қувватлаш ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан жуда катта ёрдамлар бўлапти. Биз ҳозирда мавжуд муаммоларни ўрганилмиш. Декабр ойида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг республика анжумани ўтказилади. Ўйлайманки, бу катта йиғин ҳаракатнинг навбатдаги дастурларини белгилаб беради.

**Сухбатдош  
Х.ТҶИМАНОВА**

## УЧ БОСҚИЧДАГИ СИНОВ

нинг кейинги ўн йилликдаги ютуқ ва ўзгаришлари, ниҳоят, бугунги халқаро сиёсий аҳвол, миллий мафкура масалалари хусусида баҳслашиб, ўз билим даражаларини намойиш қилдилар.

Танлов ҳайъати аъзоларининг хулосасига кўра, "Асрларга тенг йиллар" кўрик-танловида мен биринчи ўринга муносиб деб топилган эдим. Иккинчи ва учинчи ўринлар ҳам ўз эгаларига берилди.

Бу билан нима демокриман? Кўрик-танлов, тадбир, учрашувлар қанчалик кўп уюштирилса, талабалар фаолиги шу қадар ошади. Демак, бу билан кўзлаган мақсадларимизга эришамиз.

**Жасур АБДУСАМАДОВ,**  
Тошкент Давлат Иқтисодий Университети халқаро иқтисодий муносабатлар факультети 3-курс талабаси



## Diqqat, chorraha!

катланиш хавф-сизлиги мавзуида кўплаб кўргазмали қуроллар, плакатлар ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқиш. Бундан ташқари ҳар бир шаҳар ва туманда, қолаверса, ҳар бир таълим муассасида "Йўл ҳаракати қоидалари" бўйича амалий машғулотлар ўтказиладиган махсус автомайдончалар қуришни бошлаб юбордик. Бундай майдончалардан иккитасини Тошкент вилоятининг Оққўргон тумани ва Олмалиқ шаҳрида ишга туширдик. Дастурда олдимизга қўйилган барча вазифаларни ўз вақтида сифатли қилиб бажариш доимий назорати-мизда.

— Бир неча йиллардан буён "Яшил чироқ" телевизион мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бундан кўзланган мақсад аниқ — болаларни "Йўл ҳаракати қоидалари" билан таништириш, уларни ҳар қандай давомида ҳушёрликка ундаш, йўл-транспорт ҳодисалари рўй берганда биринчи ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантириш. Сизнингча бу қандай самара бермоқда?

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ:** "Яшил чироқ" кўрсатувининг эфирга чиққанига 30 йил бўлди. Шунча йиллар давомида кўрсатувни узлуксиз равишда ҳар ойда бир мартадан тайёрлаш, уни эфирга узатиш машаққатларини тасаввур қилиш қийин эмас. Ўзбекистон телевидениясида бундай узоқ вақт эфирдан тушмай келаётган кўрсатувлар бармоқ билан санали.

Чунки бу кўрсатув яхши ният билан, эзгу мақсад билан тайёрланади. Кўрсатув ижодкорлари ўз олдиларига ягона бир мақсадни қўйишган. У ҳам бўлса, "Йўл ҳаракати қоидалари" ни кенг тарғиб қилиш, уни фарзандларимиз онгига синдириш, болаларни йўлларда хавфсиз ҳаракат қилишга ўргатиш, энг муҳими улар билан боғлиқ равишда содир бўлаётган турли кўнгилсизликларнинг олдини олишдир. Бу кўрсатув қанчадан қанча инсонлар ҳаётини асраб қолди. Шу кўрсатув боис келтириб ўтганимиз аянчли рақамлар камайиб бормоқда.

**Ҳикматилла ҒУЛОМОВ:** Бу кўрсатувни тайёрлашда "Ўзтелерадиокомпания", Ички ишлар вазирлигининг ЙХХ Бош бошқармаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамда бир қатор ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари катта бўлмоқда. Авваллари шаҳар ва вилоят бўйича битта жамоа тайёрланиб, шу жамоа кўрсатувда иштирок этар эди. Бироқ бугунги кунда бу кўрсатувнинг оммавийлигини ошириш, ҳамда ўқувчиларни йўл ҳаракати қоидалари билан кенгроқ таништириш мақсадида, "Яшил чироқ" мусобақаларининг ҳар бир таълим муассасида ўтишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

— Ҳамкорликда яна қандай ишларни амалга оширишни режалаштиргансизлар?

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ:** Асосий режаларимиз юқорида айтиб ўтилган дастурда ўз ифодасини топган. Ҳар қандай тадбир ишлаб чиқишимиздан, амалга оширишимиздан қатъий назар, у ҳеч бўлмаганда битта боланинг ҳаётини асраб қолса, уни турли йўл-транспорт ҳодисаларидан муҳофаза қилса, биз ўша тадбирни кенг қўламда давом эттирамиз. Чунки фарзандларимиз ҳаётини асраш, уларнинг соғлом ва билимли бўлиб вояга етишларини таъминлаш, қайси соҳада ишламайлик, ҳаммамизнинг бурчимиз.

**Ҳикматилла ҒУЛОМОВ:** Ҳар йили ўтказиладиган йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг анжуманларини тақомиллаштириш, 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастурнинг бажарилишини назоратга олиш мақсадида қўшма рейдлар уюштириш ҳам режамизда бор.

Сухбатни Мансуржон РИХСИЕВ ва Шарифа МАДРАҲИМОВАлар тайёрлашди.

Ҳамма иллатларнинг боши ҳафсаласизлик ва лоқайдлик эмасми? Бугун "менга нима, бу менинг хизмат вазифамга кирмайди", деб фикрлашимиз оқибатида қанчадан-қанча кўнгилсизликлар келиб чиқаётганлигини ҳаммамиз кўриб турмаяпмизми? Ёки ахир, мен ўқитувчи эмасман, бу иш билан ана мактабдагилар шуғуллансин, деб болага танбеҳ беришдан ўзимизни олиб қочмаяпмизми?

Биз йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида юз бераётган кўнгилсиз воқеалар, киши руҳига зарба берадиган ўлимлар, жароҳатлар ҳақида имкон борича газетхонларни хабардор этиб борапмиз. Ва бугунги суҳбатимиз мавзуси ҳам шунга қаратилган. Бу ишда бизга Республика ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари ёрдам бермоқдалар. Йўл ҳаракати қоидаларининг ўқитилиши, болалар ўртасида содир бўлаётган ҳафсаласиз ҳодисалар, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этмаслик каби муаммолар ва ҳамкорликдаги ишлар хусусида Республика ИИБ ЙХХ Бош бошқармаси матбуот бўлини бошлиғи, милиция подполковниги Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ ҳамда Республика халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим Бош бошқармасининг бош назоратчи-услубчиси Ҳикматилла ҒУЛОМОВ билан суҳбатлашдик.

—Суҳбатимизни болалар иштирокида ҳамда ўқувчи-болалар айби билан содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари ҳақидаги аниқ мисоллар ва рақамлар билан бошласак...

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ:** Му-тахассис сифатида бир мулоҳазани айтиб ўтай. Сиз "ўқувчи болалар айби билан" деган ибора ишлатдингиз. Менинг назаримда, мамлакатимиз автомобил йўлларида содир бўлаётган ҳодисаларда болаларни айб-лашга ҳақимиз йўқдек. Гап шундаки, боланинг бирор фалокатга ёки йўл-транспорт ҳодисасига учрашига аввало, биз катталар айбдоримиз. Яна-ям тўғрироғи, бизнинг бепарволигимиз, эътиборсизлигимиз сабабчи.

Аксарият ота-оналар фарзандига ҳаракатланиш хавфсизлигининг оддий талабларини тушунтирмайди. Мактабда ўқитар, шунинг ҳам айтиб ўтираманми, деган нотўғри тушунча билан юради. Бола катта кўчанинг белгиланмаган жойидан нотўғри кесиб ўтаётганда, уни бу йўлдан қайтармайди. Ҳатто баъзи катталар ўзлари ҳам болалар кўз ўнгидан кўчани хоҳлаган жойидан кесиб ўтаверади. Устига-устак танбеҳ берган ҳайдовчиларни "яхши" гап билан сийлайди, ёки чорраҳада машина йўқ, кутиб ўтираманми, дея светофорнинг қизил чироғида ўтиб кетади. Ёнидаги фарзанди бундан қандай хулоса чиқаришини ўйламайди ҳам. Бирор фалокат бўлган эса дарҳол айбдорни излашга тушадилар.

**Ҳикматилла ҒУЛОМОВ:** Тахлиллардан кўриниб турган болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари жорий йилнинг 9 ойида ўтган 2000 йилнинг 9 ойига нисбатан 2.6 фоизга, жароҳатланганларнинг сони 2.5 фоизга камайганлиги бизни хотиржамликка солмаслиги керак.

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ:** 2001 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида республикамизда болалар билан боғлиқ 2232 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Бу фалокатларда 336 нафар норасиданинг ҳаёт шамчироғи сўнди, 2008 нафар бола турли даражадаги тан жароҳати олиб, ногирон бўлиб қолди. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак: 14 октябрь куни соат 21.00 ларда Муборак тумани Туркистон жамоа хўжалиги ҳудудида, Муборак шаҳри Темирийўлчи кўчаси 13-уйда яшовчи, Муборак туман А.Темур жамоа хўжалигида раис бўлиб ишловчи, 1962 йилда туғилган Уйғун Курбанов шахсий "ТИКО" русумли 18 D 7077 давлат рақам белгилли автомобилни бошқариб бораётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда — Деҳқонobod тумани Боғичорбоғ қишлоғида яшаган, 1990 йилда туғилган Дилфуза Ҳазратовани уриб юборган, натижа-

да Д.Ҳазратова воқеа жойида ҳалок бўлган. Ёки, 27 октябрь куни 16.20 ларда Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Қорлиқ жамоа хўжалигида яшовчи, туман "Сельхозхимия" ишчиси, 1962 йилда туғилган Эркин Боболов шахсий "ВАЗ-2106" русумли 19 А 9465 давлат рақам белгилли автомашинасида 4 К614-йўлнинг 3-км.да

бошқариб бораётиб, бехосдан йўлга югуриб чиқиб қолган 1996 йилда туғилган Рубина Бўтаёровани уриб юборган. Қизча касалхонада вафот этган.

**Ҳикматилла ҒУЛОМОВ:** Республика ҳудудида 2001 ва 2000 йилнинг 9 ойига таққосланганда, 1-7 ёшгача бўлган болалар орасида йўл-транспорт ҳодисаларида ҳалок бўлганлар сони Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Фарғона вилоятларида ошган. Масалан, Сурхондарё вилоятида 7 ёшгача бўлган болаларнинг ҳалок бўлгани 2000 йилнинг 9 ойида 8 нафар бўлган бўлса, 2001 йилнинг 9 ойида 14 нафарга етган. Жиззахда ўтган йилнинг шу кунигача 3 нафар бола йўл-транспорт ҳодисаси туфайли

# БОЛАЛАР ТАҚДИРИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

вафот этган бўлса, бу йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 6 нафарни кўрсатди.

— Кўпинча мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида бўлганимизда, у ерда ИХХ ходимлари билан ўзаро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳақида гапиришади. ИХХ ходимлари билан учрашганимизда эса, улар йўл ҳаракати қоидалари ўқитилишини салбий баҳолайдилар, мактаб ўқитувчилари ўзишига совуққон муносабатда бўлади, деб айтишади.

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ:** Бизнинг амалдаги мавжуд меъёрий ҳужжатларимиз ва ички ишлар вазирлигининг буйруқларига асосан, жойларда фаолият юритаётган ходимларимиз махсус буйруқ билан мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида бириктирилади. Улар тасдиқланган режа ва жадвал асосида жойларга бориб, болалар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказишади. Бириктирилган ходимнинг асосий вазифаси "Йўл ҳаракати қоидалари" фанидан сабоқ бериш эмас, балки шу фан муаллимига кўмак ва йўналиш беришдир. Чунки, дарс ўтиш учун педагогик тажриба ва малака зарур. Болага ҳар бир нарсани тушунарли ва содда қилиб етказиб бериш лозим. Ҳозирги кунда ходимларимиз ўқитувчиларнинг малака ошириш институтларида "Йўл ҳаракати қоидалари"дан дарс ўтадиган ўқитувчиларга дарс беришмоқда. Ўқитувчиларга дарс жараёнида болаларга кўпроқ қайси мавзуларда гапириш, ҳаракатланиш хавфсизлигининг талаблари, кўчаларда ўзини қандай тутиш лозимлиги каби кундалик зарурий кўникмаларни ҳосил қилиш ҳақида тушунча берилди.

Тўғри, баъзи ҳолларда ишимизда камчиликлар ҳам учраб туради. Фаолиятимиз давомида бундай камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўриб борапмиз.

**Ҳикматилла ҒУЛОМОВ:** Ушбу гап унчалик ҳам тўғри эмас, албатта. Ҳозирги кунда мактабларда 1-4-синфларда синф раҳбарлари ҳамда 5-8-синфларда (малака ошириш институтидан 36 соатлик курсдан ўтган) мутахассислар ва махсус ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган ўқитувчилар дарс ўтишмоқда.

Гуруч курмасиз бўлмайди, деганларидек, айрим масъулиятсиз раҳбарлар айби билан "Йўл ҳаракати қоидалари" дарс жадвалига киритилмаслик, синф журналларига алоҳида бет ажратиб баҳолар қўймаслик ҳоллари ҳам учрамоқда. Масалан, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 5-мактаб маъмуриятининг эскича ишлаши оқибатида ушбу дарс тарбиявий соатларда ўтилганлиги аниқланди. 2001-2002 ўқув йилининг 2-чораги бошланди, бироқ Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 2-мактаб маъмуриятининг айби билан бу мактабда "Йўл ҳаракати қоидалари" дарслари ўтилмаяпти. Вазирлик бундай бепарво кайфиятда юрган раҳбарларга эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган чораларни кўрмоқда.

— Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл-ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг 2001 йил 29 мартдаги йиғилишида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида болалар билан боғлиқ бўлган йўл-транс-

порт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастури" бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

**Ҳикматилла ҒУЛОМОВ:** Ушбу дастурни бажариш борасида вазирлик ўз тадбирларини ишлаб чиқиб, унинг ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг бошқарма ва бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳамда Республика ташкилот раҳбарларига дастурда ва тадбирда белгиланган вазифаларнинг ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш ҳамда вазирликнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясига ҳар чорақда ахборот бериб бориш вазифалари юклатилган.

**Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ:** Ушбу дастурга асосан намунали автошаҳарча ва автомайдончалар қуриш ишлари бошлаб юборилди. Маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда пиёдалар ўтиш жойлари, ер ости йўллари қуриш ишлари бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди ва бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Шунингдек, серкатнов кўчалар яқинида жойлашган ўқув масканлари олдида "Ёш автоназоратчи" силуетлари ўрнатилмоқда. Бу нарса болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда яхши самара берапти. Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда педагог кадрлар тайёрлаш институтларида "Йўл ҳаракати қоидалари" бўйича дарс ўтадиган мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳаракатидамыз. Яна бир режамиз, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари учун ҳара-

Саодатли соҳибқирон ҳазрат Амир Темуригез ўғлонлари кўп эди ва умид кўзи уларнинг жамолидан ёруғ эди. Бу ўғлонлар ва набиралар ўттиз олти киши бўлиб, ҳазрат ҳаётлигида бор эдилар. Улардан бири, Халил Султон отмиг набирасини бошқача бир муҳаббат билан яхши кўрар, ўн тўрт яшарлигидаёқ уни валиахд қиламан деб кўнглига тугиб кўйган, ҳатто бу ҳақда бир-икки расмий йиғинларда гапириб ҳам юборганди. Бунга асослари кўп эди.

Ҳазрат соҳибқироннинг назарида, авваламбор, унинг зоти тоза ва улғу эди. Онаси Севинбека Олтин Ўрда подшоҳи Ўзбекхоннинг набираси эди. Отаси севикли ўғли баҳодир Миронишоҳ бўлиб, у неча-неча жангларда ҳазрат соҳибқирон билан бирга-бирга қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган эди.

Халил Султон 1384 йилда туғилди ва хондон ананаларига кўра, Сарой Мулкхоним назорати остида тарбия кўрди. Ўсимлик чоғидаёқ ҳар тарафдан кўркемлиги билан тез эътиборга тушди. Қадди алифдек типпа-тик, юзлари чиройли бўлгани етмагандай, ўзи хушхулқ ва мулойим, сўзида турадиган, садоқатли бола эди. Ҳазрат соҳибқирон унинг бирон марта ёлгон ишлатганини, ёйинки ваъдага хилоф иш қилганини кўрмаган ва эшитмаган эди. Аммо ҳаммасидан ҳам шу чиройли, нозиктаб боланинг жасур ва кўркемлиги, тadbирли ва оқил эканлиги одамни ўзига мафтун этар эди. Айниқса, Амир Темури унинг Хиндистон сафаридан сўнг қаттиқроқ яхши кўриб қолди.

Тарихчи Гиёсиддин Али Халил Султон Хиндистон сафари чоғида ўн беш яшар эди, деб ёзади. Аммо бу ҳижрий ҳисобда шундай. Агар милодий ҳисобга ўтказсак, ушанда Халил Султон ўн тўрт ёшда бўлиб чиқади.

Хиндистон сафари 1398 йилнинг апрелида бошланиб, 1399 йилнинг январига давом этди. Ҳазрат соҳибқирон ҳинд подшоҳи Маҳмуд Султон билан бўлган жанг кунини ҳеч унутмайди. Рабиъ ал-охир ойининг еттисиде (милодий 1398 йил декабрнинг ўн еттиси) икки кўшин юзма-юз бўлдилар. Темури ўз кўшинларини Бахолой Пуштаси деган тепаликда жангга мослаб жойлаштирди. Баронғор (ўнг қанот)га шаҳзодалардан Пирмухаммад билан Сулаймоншоҳни, жавонғор (сўл қанот)га шаҳзодалардан Султон Хусайн билан Халил Султонни, манғалайга шаҳзода Рустамни, Шайх Нуриддин, Шоҳмалик ва Оллоҳодларни кўйди. Шахсан ўзи кўшининг энг олд томонида турди.

Қарши томонда Деҳли подшоҳи Султон Маҳмуд, Маллухон ҳамда Хиндистон мамлакатининг таъликли кўмондонлари, жаҳонга танилган лашкарбошилар саф тортиб туришди. Уларнинг ўн минг суворийси, йигирма минг пайда аскар, бир юз йигирмата урушга ўргатилган филлари бор бўлиб, довул пайтидаги даҳшатли денгизни эслатарди. Филларнинг устига айлана ёғоч ўриндиқлар ўрнатилган, бу жойларда камон-сабоқли мерган ўқчилар туришарди. Хартумлари бир-бирига кўшиб боғланган филларнинг қаторлари ёнида қора тутун ва гулдурас овозлар таратувчи раъданозлар бор эди. Узоқдан жуда даҳшатли кўринувчи булутдай филлар ҳар қандай ботир одамни ҳам таҳликага солар эди. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам: нече жангларда жасорати ва қаҳрамонлиги билан шуҳрат қозонган Хожа Фазл, Жалол Коший, Абдулжаббор сингари сардорлар жангга кирмаслик учун соҳибқирондан изн сўрадилар.

Аммо Халил Султон, ҳинд кўшинлари жанг майдонига денгиздай босиб келган чоғида рақиблар билан оловга ё қуюнга ўхшаб юзма-юз бўлди. Гирт иблисифат, сиёқи жинларга ўхшаб бир фил хартуми билан одамларнинг бошларини соқ-

қаларни тутган чавгондай тутиб олиб, ирғитиб кетаётган бир паллада у қилич билан филга ташланаиб, уни яралди ва бўйнига сиртмоқ солиб, измига олди, уни етаклаб келиб, бобосига совға қилди.

Ҳинд сафари ғалаба билан якунланиб, ғолиблар Самарқанда қайтишганда, Темури энди Халил Султонни валиахд деб гапира бошлаган, бутун Самарқанд халқи уни муборакбод этиб, бошларидан гуллар ва сочқилар сочган эди. Уша йили Темури Халил Султонни уйлантириб кўйди. Шербекка ого деган синглиси ва амирзода куёви Алининг қизи Жаҳон Султонбегимни олиб берди.

Жаҳон Султонбегим оппоқ юзли, қомати қарағайдай тикка-тик ва текис, настроқ бўйли, сочлари қуюқ, камгап-камсуқум, аммо метин иродали қиз эди. Қиличбозликни, от миншини ҳам эплар, керак бўлса, сочларини телтак остига қистириб ё рўмол билан танғиб ташлаб, Барчиной янглиғ, йигитлар қатори жанг-жадалга ҳам кириб кетаверар эди. Ибн Арабшоҳ: “Темури аскарлари ичида аёллар ҳам кўп бўлиб, улар жанг тўс-тўполонларида матонат кўрсатардилар. Улар душман эркакларига қарши туриб, мардонавор уруш қилардилар, жангда найза санчишда, қилич билан зарба беришда ва камондан отишда эркаклардан кўра ҳам ортиқроқ иш қилардилар” деб ёзади.

Туй баҳонасида амирлари ва баҳодирларини, бутун улус кўнглини олдин дилга тугиб кўйган эди. Туй олдидан Кониғилда ўзи учун тўрт саройларда, улғу оқ уйлар тиклаттирдик, асосий устунлари олтиндан ва бошдан-оёқ жавҳар билан мурассаъ қилинганди. Ичига ўн минг киши сиғадиган, ўн икки сингли чодир қурдирдики, уст томони сақарлот (тоза жундан тўқилган юпка нозик мато), ич томони духоба, таноблари ипак, суруқлари олтин билан мунаққаш эди. Ўзга шаҳзодалар ва беклар учун қайма саронарда ва боргоҳ, хайма ва хиргоҳ урдилар. Кониғил ўлангидан то Шовдоргача тахминан ўн фарсанг келадиган оралиққа турли ораста чодирлар қурилди. Шундан сўнг ҳазрат соҳибқирон Хитой, Олтой, Чекка Мағриб, Миср, Рум, Фаранг ва Ҳинд мамлакатларининг элчиларини, турли ҳоқонлар ва ҳукмдорларни, шу жумладан, ўзининг ўғил-қизлари, невараларини ҳам тўйга чақиртирди. Севиқли набираси Халил Султон Луристонда эди, уни ҳам иззат-икром билан тўйга даъват этди.

1404 йилнинг 7 сентябрида буюқ шодиёна билан бошланган тўй худди афсонавий эртақларда бўлгани каби қирқ кеча-кундуз давом этди. Амирлар ва баҳодирлар суюрғамиллар, суюрғол ва чилдулар ила тақдирландилар. Давомсиз урушлардан юрак олдириб кўйган паришон

айтсин, гўзаллар ичида гўзаллиги билан уни алланечук тушунарсиз ҳола соларди. Кўзлари кўзларига тушганда юраклари узилиб, орзиқиб кетарди. Шунча жанг-жадаллар, тупроқни ларзага солган урушларда қилт этмаган юраги ич-ичидан титраши, у томонга юрса оёқ-қўлларининг бўшашиб кетиши шаҳзода учун янгилик эди. Ўзи ўзини танимасди. Лаблари ўз-ўзидан пичирлай бошлади:

**Сани кўрдим—бутун олам нечун титроқда? Сен кимсан?**

**Қаёқдан келди бу титроқ сочу тирноққа? Сен кимсан?**

**Заминданми униб чиқдинг?**

**Самоданми тушиб келдинг?**

**Юборган ким? Қачон кирдинг равази боққа? Сен кимсан?**

**Одамданми сени зотинг?**

**Хуриданми ва ё аслинг?**

**Нечун, чавгончидай, қалбимни этдинг соққа? Сен кимсан?**

**Халил Султониман мулкнинг, залим нотавон этма,**

**Жавоб бер, кузги япроқдай тўкилмай тупроққа, сен кимсан?**

Бир зумда у ғазали қоғозга туширди ва тўйда хизмат қилиб юрган бир йигитчадан қизга бериб юборди. Элчи бола хатни кўрсатилган одамга етказди. Қиз узоқдан Халил Султонга бир жилмайиб кўйди. Халилнинг юраги тўкилиб кетди. Яна унга қаради. Қиз қоғознинг орқасига алланима деб ёзди.

## Миразиз АЪЗАМ

# БИР БАХТСИЗ МУҲАББАТ

(Хикоя)

Жаҳон Султонбегим шундай аёллар тоифасидан эди. Ҳазрат соҳибқирон Халил Султонни қанча яхши кўрса, бу жиянини ҳам шундай яхши кўрарди.

Орадан бир йил ўтгач, Халил Султоннинг онаси хонзода Севинбека шаҳзода Миронишоҳ устидан шикоят қилиб, унинг ичкиликка ружуъ қилгани ва шу машитбозлик, бэфарқликлар туфайли Эрон ва Озарбойжон тарафларда андак нотинчликлар юз бераётгани тўғрисида ноҳуси хабар келтирди. Ҳазрат соҳибқирон дарҳол у тарафга отланди. Халил Султонни ҳам олиб Хуросон орқали Табризга, ундан ўзи барпо этган Қорабоққа борди. Озарбойжонни кўп безовта қилаётган эллар ва мухалифларни тор-мор қилиб, яна Қорабоққа қайтди. Шу ерда хурсандчилик қилаётган чоғларида Халил Султон ва Жаҳон Султонбегим фалак мартабали бир ўғил кўрдилар. Шунда тўй устига тўй, байрам устига байрам бўлиб, шодлик садолари самоларга етган эди (1400 йил, қиш).

Орадан йиллар ўтди. Араб Ироқи ва Шом устига уюштирилган етти йиллик ҳарбий юриш (1399-1404) зафарлар билан якунлангач, ҳазрат соҳибқирон бош кентни Самарқандга қайтишига чоғланди. Араб Ироқи, Озарбойжон, Аррон, Муғон, Гуржистон ва Ширвон мамлакатларини Миронишоҳга, унинг фарзандлари Абу Бакр ва Умар Мирзоларга бағишлади. Халил Султонни Луристонда қолдирди. Сўнгра ўзи Самарқандга қайтди.

Доруссалтанатида давлат ва ҳуқуқ-тартибот ишларини бир мунча йўлга кўйгандан кейин Кониғилга келди. Буюқ юришлардан фарзандлари ва амирлари билан соғ-саломат келганлиги шарафига катта тўй бермоқчи бўлди. Вояга етган набиралари, шаҳзодалар Улуғбек, Иброҳим Султон, Жаҳонгир ва бошқаларга тагли-туғли ёстиқдошлар бел-

улуснинг кўнгли бир мунча таскин топди ва гурури бир мунча кўтарилгандай бўлди. Муборак ўрдулар, барча шаҳзодалар, оғолар (яъни малика келинлар), ўғлонлар, амирлар, қайтулар ва аскарлар ҳар бири ўз мавқеи ва мансабига кўра жой олдилар. Машшоқлар, ҳофизлар, хонанда-созандалар жам бўлдилар. Шайх Шамсуддин ёшларни никоҳлади. Тўйга келган юз мингаларча инсонлар ичида совғаю мукофот олмасани қолмади. “Барча фақир мискин ғаний бўлди” деб ёзади Шарафиддин Али Яздий. Ясовуллар зарбофт тўнлар кийиб, олтин камарлар боғлаб, эгар-юганлари нақшли отларга миниб, қўлларидо заррин чимоқлар ила ясовуллик қилардилар. Бода ва қимиз, бол ва мусаллас кетма-кет келиб турар, шаҳзодалар навбат билан оёққа туриб бода си-мирдилар. Ташқарида ўлтирган эл учун ҳам тинимсиз ишра ва таомлар тортиларди. “Муборак”, “муборак” садолари янгарди.

Хонимлар ва оғолар ясаниб келиб, юз ҳашамат ва ноз ила сузилди ўтирдилар. Шаҳзодалар ва куёвлар ҳар бири ўз манзилига кириб, маъшуқалари ва севикли хотинлари билан висоллашиб чиқардилар. Фақат шаҳзода Халил Султонгина эркалик қилиб даврандан кетмас, ўртада ўралашиб юрарди. Унинг кўзлари фарштадай гўзал қиз-келиндар, аёллар ўтирган даврага қараб жавдирар эди.

Халил Султон бу пайтда йигирма ёшда эди ва хонимлар қаторидаги ўзи тенги бир қиз унинг хаёлини, кўзларини оҳанрабодай сеҳрли куч билан тортарди, у томонга ҳар қанча қарамасликка тиришса ҳам, ҳеч бўлмас эди. У қиз чиндан ҳам чиройли эди. Қон-қора ола кўзларини айтмаганда ҳам, қарашларининг жодуси, тоғларда битган қиёдай ўсмали эзма қошлари, пирпираб турган китриқлар, сурмали бодом қобоқларининг нозиклиги, эҳ, нимасини

Йигитча қоғозни олиб, Халил Султоннинг олдига етиб келгунча ўтган фурсат бир асрдек туюлиб кетди. Энтиқиб ўқиди. Унда бор-йўғи: “Хизматчим Бобо Тармишини топинг. У орқали гаплашармиз. Шодия” дейилганди холос. Бутун қариндошлар, дўсту ёрлар, сарой аҳллари—ҳамма тўй билан овора, ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши йўқ, биров ким билан машғуллигини суриштирадиган чоғ эмасди. Халил Султон Бобо Тармишини қидириб топди. Қиз билан танишдилар. Севги қувончлари бошланиб кетди.

Тўйдан кейин ҳазрат соҳибқирон вилоятлар забтига киришди. Ҳукм қилдиким, “ортиқ ҳеч киши ичма-гай!” Ўзи тоат-ибодат била машғул бўлди, деб ёзади Шарафиддин Али Яздий. Соҳибқироннинг фикри-хаёли Хитойга бормоқ масаласи билан машғул эди. Шаҳзодалар ва бекларга ҳарбий тайёргарлик юзасидан турли топшириқлар берди. Ўзи 27 ноябрда Самарқанддан чиқиб, Оқсулот қишлоғига бориб тушди ва у ерда элик кун ўтирди. Ана шу кунларнинг бирида унинг хузурига кириш учун жияни Жаҳон Султонбегим изн сўради. Темуригез кайфияти яхши эди. Жиянини очик юз ва эркаловчи сўзлар билан қабул қилди.

—Улуғ тоға! Бир қошиқ қонимдан кечсангиз...

—Кел, жиян. Кел, ўғлинг яхшими? Сөзлингиз дурустми? Ўтир, онагинам... Нима гап?

—Мен нима қилишни билмай қолдим, улғу тоға. Набиранинг, валиахд Халил Султон, менинг азиз шаҳзодам, ёмон йўлга кириб қолди. Кечалари чодиримизга Шодия исми бир қизни олиб келадилар. Бирга тунашади. Олдинга гапни очмоқчи бўлмадим. Аммо бизга қилинаётган таҳқирлари жонимдан ўта бошладди. Ундан ташқари бундай ношаръий ишлар салтанат шаънига ҳам доғ туширар деб хавотирим ҳам оша бошлади.

—Ким экан Шодияси?

—Билмайман. Никоҳимга оламан, дейди.

Ҳазрат соҳибқироннинг аччиғи келди, аммо авзойи бузилганини жиянига сездирмасликка тиришиб: —Хавотир олма, жиян. Мен бу ишни кўриб чиқаман. Ҳеч нима бўлмагандай чодирингга боравер... Кўнглингни чўктирма...—деди.

Ҳаётда одамнинг қалбини қақшатадиган воқеалар кўп бўлади. Аммо энг севикли кишининг зарбаси ҳаммасидан ошиб тушаркан. На набираси Халил Султонда, на жияни Жаҳон Султонбегимда одамни хавотирга соладиган бирон бир белги йўқ эди. Нима жин урди?

Ҳазрат соҳибқирон Шодия кимлигини аниқлаш учун тез суриштирув ўтказди. Ҳожи Сайфуддинбекнинг чўриси, никоҳсиз хотини экан. Ҳожи Сайфуддинбек эса ўзининг эски дўсти ва тенгдоши. Навқирон йигитлик чоғидан бери бирга-бирга жанг қилдилар. Энг содиқ амирларидан у. Амир Шоҳмалик ва Шайх Нуриддин Сайфуддинбек билан гаплашибдилар. “Халил Султон истаган экан, майли, олсин. Керак бўлса, яна бошқа чўриларимдан ҳам ҳада қиламан”, дебди Ҳожи. Ҳожи Сайфуддинбекнинг бу “тантилиги” баттар аччиғини келтирди. “Калавара! Бобоси тенги амирнинг сарқитини ўзига тенг кўрса-я...” —деди ўзича алам қилиб. Ясовулбошини чақиртирди. “Шодияни ҳозир қилинлар!” —деган ҳукм бўлди. “Шаҳзода уни қочирди” деб келишди одамлари. “Қаерда бўлмасин, топинлар! Халил Султоннинг ўзи маҳди улё Баён ого турган қасрга қамаб қўйилсин!” деган ҳукм бўлди бу гал. Аммо ясовуллар бу сафар шаҳзода Пирмухаммад билан бирга қайтидилар. Пирмухаммад, Халил Султоннинг амакиваччаси эди, валиахднинг гуноҳини тилади. “Бобо, Халил ҳали ёш, кўнгли кўйса кўйгандир, юрса юрар, эрта-индин жонига тегар, ташлаб ҳам кетар” деб бобосини тинчитди. Воқеа шу билан тугагандай бўлди. Аммо ҳазрат соҳибқирон яна “Халил Шодияни никоҳига олибди, энди Шод Мулк эмиш, яшириб ўзи билан олиб юрганмиш” деган хабарни эшитди. “Ҳозироқ тутиб келтирилсин!” деган ҳукм бўлди. Баротбек исмли ясовул уни тутиб келтирди. Соҳибқирон буюрдиким, “буни ўлдирсинлар!” Шод Мулк эса, парво ҳам қилмай, кулимсиради. “Буйруғимни шақа деб билайсанми?”—деди соҳибқирон. “Йўқ, нега энди, ҳукмдор амри вожиб”, деди Шод Мулк.

—Сочларини бедов отнинг думига боғлаб, отни тоққа ҳайданлар,—деди соҳибқирон.

—Эй, дарёдил буюқ амир, доруссалтана отаси! Фақат бир ражо! Изн берин!

—Тила, не деурсан? Фақат жонинг сақланмайди, умид қилма!

—Йўқ, Халилсиз жон менга керак эмас, истамайман! Фақат сочларимни валиахд отининг думига боғлатсангиз-кифоя!—деди Шод Мулк.

—Олиб чиқинг бу беҳаёни!—деди соҳибқирон.

Сарой Мулкхоним соҳибқироннинг авлодида шафқат ҳам борлигини яхши биларди. Шайх Нуриддинбек ва Шоҳмаликни чорлаб: “Соҳибқиронга арз қилинлар, бу хотин шаҳзодадан ҳомилали”,—деди. Соҳибқирон бу сўзни эшитиб, этак силкиди.

—Ҳай, бўлар иш бўлибдур, иш қолтидан кўчибдур,—деди ва ҳукм қилдиким, “Шод Мулкни маҳди авло Туман оғога топширинлар, туққандан сўнг болани олиб, ўзини бир қўлга хотинликка берсинлар!”—деди. Набирасининг гуноҳидан ўтди, аммо уни валиахд қилиш ниятидан қайтди. Халил Султонга Тошкент бориб, черик йиғиши, сафар учун отлар ҳозирлашни буюрди. Ўзи эса Оқсулотдан кўчиб, Утторга тушди (1405 йил, 11 феврал).

(Давоми кейинги сонда)

Мураббий мусаввир Малик Набиев саксон беш ёшга тўлибдилар. Ҳамон ижод билан бандлар. Оламни кезиб, дунёнинг ўттиз уч мамлакатларида бўлиб, улар маданиятини кўзатибдилар. Барибир ўз маданиятимизга ўхшатолмаптилар. Сўхбат чоғида билишимча, муаллимлик фаолиятлариغا етмиш йилдан ошибди. Жуда ёш пайтларидан мактабда, сўнг бадиий билим юрти, кейин эса бир неча йил муаллимлар олийгоҳида тасвирий санъат фанидан дарс берибдилар. Шогирдларини санаб санояга етиш қийин. Тарихий ва турли жанрларда яратган асарлари га келсак, ҳаммасида халқимиз ҳаёти ёритилган.

“Эски мактаб” картинаси 1986 йилда яратилган бўлса-да, ўз ҳаётлари, болалик пайтлари билан боғлиқ эканлиги эътиборини тортди. Сўхбатимиз ана шу картинадан бошланди. Ранг-тасвир ўта маҳорат билан киймига етказилибди. Танланган мавзу тарихий, асар тузилиши (композицияси), ранглар мажмуаси қоришмаси бир-бирига муносиб, уйғунлашиб кетган.

— Домланинг олди-ларидаги нигоҳи “Ҳафтияк”да, жимгина ўтирган бола мен, — дедилар Малик ака, — Бир оз шўхроқ эдим. Ва лекин ўқишга қизиқардим. Домлам анча баджаҳл кўринсалар-да, одобли, яхши ўқийётганларни ёқтирардилар. “Бола бошидан” мақолини тез-тез тақдорлоб турардилар. Мени сира хафла қилмаганлар. Домламизнинг ўта саводли эканликлари, рости ўқиларига ҳавасим келиб, шулардек ўқинишли киши бўлгим келардилар.

— Туғилганингиздан сўнг бир йил ўтар-ўтмас Николай подшоҳдан тушиб, Шўро ҳокимияти ўрнатилган эдию, қанақасига эски, диний мактабда

ўқигансиз? — дедим картинадан нигоҳимни узмай.

— 24-йиллар охирига қадар эски мактаб ишлаб турди. Кўпи шахсий мактаб (хусусий) эди. Эски шарҳдаги хусусий эски мактабда икки йил ўқигандим. Ҳисоб, жўрофия фанлари ҳам ўқитиларди. Асосан “Ҳафтияк” диний-арабча китобини ўқирдик. Интизом ниҳоятда қаттиқ эди. Тозалик, ахлоқ-одобимиз ҳар кунги дарс олдида назорат қилиб туриларди. Болалар эски кийимларда юришса-да, озодликка одатланишганди.

Эски мактаб ҳаётидаги тартиб мени янада қизиқтириб борарди. Шўро замони ва шу кунги мактаб ҳаёти билан ўзим-

Ҳа, болаликни эслаш нақадар завқли. Шу пайтгача ҳеч ким бу ҳақда мендан сўрамаган. Пайти келибди. Айтгандай, эсимга тушганда айта қолай. “Эски мактаб” асаридеги домланинг исми-рини ёдимдан чиқарибман. Лақобларини айтсам, анча қариб қолганларидан қулоқлари унчалик эшитмасди. Шунинг учунми, ким билсин, “Гаранг домла” дейишарди. Бошқа бир домла ҳам дарс берадилар. Исмлари Содиқ домла эди. Содиқ домла эса мулоийм, ширинсўхан, болаларни ниҳоятда яхши кўрардилар. Жазо қуролларидан умуман фойдаланмасдилар. Кейинроқ англасак, у кишининг асосий “қурол-

сукутдан сўнг шундай дедилар: “Тасвирий санъатда илк устозим акам Абдували Набиев эди. “Қорихона”да ўқиб чиққан ўта саводли инсон эди. Арабча ўқиш, русчага уста эди. Подарибузрукворимиз “Подохона” маҳалласи раиси бўлганида акам котиблик қиларди. Абдували акам тез ёзиш-стенография ўқишини ҳам битирган эдилар. Булардан ташқари тўғма қобилият соҳиби, яхшигина расом эдилар. Мени атак-чечакни бошлаганимдан расм чизишни ўргатиб, расомликка қизиқтира билибдилар. Ҳатто кўллари-римдан ушлаб расмлар чиздирандилар. Йирик илм соҳиблари билан учраштардилар. Тошкентимиздаги машҳур адиб, маърифатпарварлар Абдулло Авлоний, Тавалло, Музтариб, Хислат кабиларни Абдували акам орқали билганман, улардан панд-насихатлар олганман. Афсус, умрлари қисқа экан. Йигирма ёшга тўлай деганларида қаттиқ шомоллаб, оламдан ўтдилар...”

“Эски мактаб” картинасини томоша қилиб, орқа тарафдаги тоқчалардан бирида турган жом ва обдаста эътиборимни тортиши, табиийдир. Дарс бошланмасдан олдин шу буюмлардан фойдаланилгани маълум. Исломи дини ростўйликка, покизаликка ўргатган. Мактаб, мачит, мадраса, қироатхоналар, қорихоналар каби жойларга борилганда таҳоратсиз кирилмаган. Бундан ташқари қўлни ювиб, сўнг ўқилган. Малик ака “Эски мактаб” асарини яратишдан олдин шу керакли деталларга эътибор берибдилар.

**Махмуд РАМАЗОН, Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, санъатшунослик институтининг илмий ходими**

## “ЭСКИ МАКТАБ” КАРТИНАСИНИ ТОМОША ҚИЛИБ...

ча таққослардим. Шу мавзуда ёзувчи Садриддин Айнийнинг “Эски мактаб” номли болалик хотирасини мактаб ёшида қизиқиб ўқиб чиққанамми Малик Набиевга билдирсам, бу китобни жуда яхши биларканлар. Рассом Марфин ва бошқалар шу китоб гоёвий мазмунига кўра расмлар чизганини айтдилар. Сўхбат баҳонасида болалигимни эслаб, шу китобдаги расмлардан нусхалар кўчириб, расм ўқитувчимга ёқиб қолганимни билдирдим. Ушанда уч-тўрт машқий қалам-тасвирларим мактаб тасвирий санъат кўргазмасига қўйилганди. Малик ака расмга қизиққанамдан мамнун бўлиб, “Эсимни таний бошлаганимдан расм чизиб, лойдан турли хил ҳайкалчалар ясаган ҳаракат қилардим. 4-5 ёшимдаги тасвирларим айнан ўхшашиги билан кўплар эътиборини тортарди” деб қулиб қўйдилар-да, сўхбатни завқ билан яна давом эттирдилар.

лари” меҳр экан. Мурғак қалбимиз сира сесканмас, хонада шу домладан ором олиб, меҳр билан боқиб, ниҳоятда ҳурмат қилганимиздан бўлса керак, айтганлари ёдимизда қолаверарди.

Мавзу мусаввирлик ҳақида бўлгани учун ҳаёлим расмларда эди. “Малик аканинг тасвирий санъатга қизиқишлари, таниқли мусаввир бўлиб қолишларига кимлар сабабчи бўлган?” Саволни дилимга тугиб, унутиб юбормасликка ҳаракат қилардим. Кўп юриб, кўп билиб, ҳар томонлама илм, билим, хотираларга бой, ҳаётда яшаш учун керакли манбалар йиққан киши билан сўхбатлашиш, беғараз ҳар бир инсон учун бахт эмасми?

Эндиликда Ўзбекистон халқ рассоми, академик, “Буюк хизматлари учун” орденини олган, шарафли номларга сазовор бўлган Малик Набиев саволларимга жавоб ахтариб, кўзларига ёш олиб, акаларини эслаб, бир оз

## ҲАР КИМ ЎЗ ҲУҚУҚ ВА БУРЧНИ БИЛСА...

Кимки бир касбнинг этагидан тутиб, шу касбга меҳр қўйиб сидқидилдан меҳнат қилар экан, одамлар орасида обрў қозонишига, эҳтиром топишига шунинг узи кифоя. Тошкент шаҳар 1-Юнусобод Давлат нотариал идораси катта нотариуси Озода Сотволдиеванинг эл орасида ҳурмат қозонишига ҳам у кишининг уз касбини чин дилдан севиши ва соҳасини чуқур билиши сабаб десак, асло янглишмаймиз. Озода опа 1995 йилдан буён ушбу даргоҳда фаолият кўрсатиб келмоқда. Унгача Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида меҳнат қилган.

“Одамларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда маълум маънода бизнинг ҳам ҳиссамиз бор, — дейди Озода опа. — Хонадонлар, уй-жойлар ёки автомобиллар олди-сотдиси билан боғлиқ буладими, ижарага оид буладими, ёхуд бошқа турдаги нотариал ҳужжатлар буладими, одамлар тасдиқлаштиш учун бизга мурожаат қилар экан, энг аввало, улар қонунга дуч келишади, қонун билан ишлашади. Жараёнда ҳуқуқий билимларини бойитиб боришади. Бундан ташқари, нотариал идорамизга келувчиларга ҳуқуқий маслаҳатлар беришни ҳам йўлга қўйганмиз.”

Айни пайтда, ушбу нотариал идорада 9 нафар тажрибали нотариуслар хизмат қилиб, пойтахтликлар ва пойтахт меҳмонларининг мушқулларини осон қилишмоқда. Хизмат сифатини ошириш мақсадида ҳар бир Давлат нотариусига ёрдамчилар беририлган. Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг юксак эътибори туфайли идора хоналари энг зарур жиҳозлар, компьютерлар билан таъминланган. Хоналар барчаси озода ва ёруғ. Унумли ишлаш учун, мижозлар учун барча қулайликлар яратилган. Идора ходимларининг ҳушмуомалалиги, билимдонлиги, барча нотариал тартибда тасдиқланганидан ҳужжатларни қонуний ва сифатли қилиб, тез ва соз тасдиқлаб бериши ушбу нотариал идора нуфузининг ошишига ва пойтахтда обрў қозонишига сабаб бўлаётти. Шу боис, бу муассасага ишонч билан келувчи кишилар

сони тобора ошиб бормоқда.

“Бизда бир бор ишини ҳал қилган киши кейинчалик бу соҳага иши тушса, албатта, яна бизни излаб келди. Бу бизни қувонтиради. Одамлар кўнглида ишонч уйғота олдикми, меҳнатимизнинг самараси шу”, дейди Озода Сотволдиева.

Юртимизда мустақилликка эришилгандан кейин қонунчилик тизими янгидан шаклланди. Шу жумладан, тизимнинг таркиби сифатида мамлакатимизда нотариал хизмат ҳам ривожланиб, соҳага эътибор қучайди. Нотариат ҳақидаги уз қонунимизга эга бўлдик. Ушбу хизматнинг ривожланишида эса, биз сўз юритаётган нотариал идора, хусусан, Озода опа сингари бу соҳанинг жонқуяр ходимларининг уз муносиб ўрни бор.

“Фарзандларим ҳам менинг изимдан бориб, ҳуқуқ соҳасини танлаганлар, — дейди Озода опа. — Уғлим Беҳзод ҳуқуқшунослик мутахассислигини олиб, прокуратура тизимида иш бошлади. Қизим Жамила Тошкент Давлат юридик институтида таҳсил олмоқда. 11-синфда ўқийётган кенжа ўғлим Дилмуроднинг ҳам ҳуқуқ фанига қизиқиши кучли. Одамларда бу соҳага булган қизиқини кузатсам, хурсанд булам. Боиси, ҳамюртларимиз уз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини тула-туқис билишларини ва ҳис қилишларини истаймиз. Фуқаролари уз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билган давлатда қонун яхши ишлайди. Уз ҳуқуқ ва бурчларини билган киши эса, ҳаётда қоқилмайди.”

Жонқуяр ҳуқуқшунос Озода Сотволдиева шу фикрларни билдирар экан, мазкур газетада “Ҳуқуқий сабоқлар” рукнида мақолалар бериш тақлифни айтдилар. Бу уз навбатда ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятлари шаклланишига хизмат қилган булурди. Биз бу тақлифни қўллаб-қувватладик. Зеро, ҳуқуқий сабоқлар ўқитувчиларимизнинг дарс жараёнида ҳам асқотиши, шубҳасиз.

**Икром БҮРИБОЕВ**

Яқинда Шароф Рашидов туманидаги 2-ўрта мактабга туман ҳокими Ҳазрати Кенжаев бошчилигида турли ташкилотлар раҳбарлари ташриф буюришди. Мақсад мактаб ҳаёти билан танишиш, зарур бўлса муассасага ёрдам кўрсатиш эди. Тумандаги энг катта таълим масканларидан бири бўлган мазкур мактабнинг умумий аҳволи билан танишар экан, ҳоким ҳайратини яшириб ўтирмади. Фойдаланиш асносида ниҳоятда яхши тутилган, ҳар бирининг қадрига етилган жиҳозларни кўриб, тажрибали раҳбар Файзулла Маматов бошчилигидаги мактаб жамоаси ишидан мамнун эканлигини айтиб ўтди. Мен шунда мактаб раҳбарига кўп нарса боғлиқ эканлигини, раҳбар қандай бўлса мактаб ҳам шундай бўлишини ўйладим.

Ушбу мактаб директори Файзулла Маматов туман мактаблари раҳбарлари ичида энг тажрибалиларидан бири ҳисобла-

## РАҲБАРГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

нади. Биз у кишининг ҳар бир фаолиятдан ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда яна бир мулоҳазамни айтиб ўтсам. Одатда бир ташкилотда ҳадеб раҳбар алмашавериши ўша ташкилот фаолиятига салбий таъсир қилади. Аксинча, ақлли, билимдон раҳбар тўғри танланиб қўйилган ҳолда, унинг узоқ муддат раҳбарлик қилиши ташкилот ишини фақат юксалтиради. Мен бу мулоҳазамни Файзулла Маматов мисолида баён қилаяпман.

Файзулла ака, ушбу мактабга 31 йилдан буён раҳбарлик қилиб келмоқда. Мактаб у кишининг иккинчи уйига айланиб қолган десак, муболага бўлмайди. Мактабдаги ҳар бир иш, ҳар бир хона, ҳар бир жиҳоз директорга ёд бўлиб кетган. Юртбошимиз таъбири билан айтганда,

йўғини яратиш, борини асраб-авайлаш йўлини маҳкам тутган Ф.Маматов саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, бугунги кунда ушбу мактаб мустаҳкам базага эга. Муассасадаги лингафон хоналари, радиоузел, бой устaxonа ва бошқа барча жиҳозлар фойдаланишга яроқли, яхши ишлаб турибди. Уларга янги-янги турдаги ўқув қуроллари қўшилмоқда. Янги жиҳоздан фойдаланиш эскисини чиқариб ташлаш эвазига бўлмаётганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли. Барчасидан унумли фойдаланилмоқда. Мактаб ўз телестудиясига эга. Мактаб қошида этикдўзлик, сартарошхона дўконлари очилган бўлиб, уларда дарсдан бўш пайтларида ўқувчилар ҳам ҳунар ўрганишмоқда, ҳам қўшимча даромад топмоқдалар. Мактаб ҳовлисида 1000 туп-

дан зиёд вояга етган терак бор. Моддий аҳволни янада яхшилаш мақсадида бу йил мактаб жамоаси хўжаликдан 20 гектар ер олган.

Бино ичига кираркансиз, улкан гулхонага киргандек бўласиз, гўё. Даргоҳда мингга яқин гул ўстирилмоқда. Гулларни ўқувчилар ўзлари парвариш қилишади.

1100 нафар ўқувчига сабоқ бераётган 65 нафар ўқитувчининг деярли барчаси олий маълумотли, мутахассис бўлгани сабабли ўқувчилар ўзлаштириши яхши. Мактаб ҳуқуқ фанидан республика тажриба-синов майдончасига айлантилган. Мактабни малакали педагоглар билан таъминлашда, кадрлар кўнимсизлигини таъминлашда директорнинг мақбул фаолияти сезилади. Шароф Рашидов ном-

ли деҳқон-фермер хўжалиги, “Шароф”, “Мадад” фермер хўжаликлари, маҳалла ва ота-оналар билан мактаб ўртасида яхши ҳамкорлик ўрнатилган. Мактабнинг Сайёра Анорова, Тўхтагул Тоғаева, Салима Зармасова, Каромат Тўрабоева, Инобат Норқулова, Исоқ Эшонқулов каби ўқитувчиларини туман таълим ходимлари ҳам билимдон педагоглар сифатида эътироф этишади.

Бир сўз билан айтганда, мактабда эришилаётган ҳар бир ютуқда, ҳар бир фаолиятда жамоа билан биргаликда унинг раҳбари, тажрибали педагог Файзулла Маматовнинг заҳматли меҳнатлари ётади. Биз, у кишининг ҳамкасблари ҳам доимо бу фидойи инсондан ҳаётда кўп нарсаларни ўрганиб яшаймиз.

**Махмуд ЗУЛПАНОВ, Ш.Рашидов туманидаги 3-мактаб директори**

## БМТ АФГОН ТАШВИШИДА

БМТнинг махсус вакили Францеск Вендрелл муваққат ҳукумат тузиш йўлида барча этник гуруҳлар кенгашилини чақириш учун Қобулга келди. "Би-Би-Си" мухбирининг айтишича, БМТ афгон тақдири борасида ўзининг кенг қамровли иштирокини йўлга қўймоқчи. Уни кеча эса ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгаши янги ҳукумат тузиш ҳақидаги резолюцияни қўллаб-қувватлади. Шунингдек, бу вақтда АҚШнинг Афғонистондаги элчиси Жеймс Доббинс Италияда Зоҳир Шоҳ билан учрашгач, Покистонда айнан шу масала бўйича музокаралар олиб бораётган эди.

АЭРОПОРТДА  
БРИТАНИЯ  
АСКАРЛАРИ

Буюк Британиянинг махсус кўрсатмаларини бажарувчи 100 кишилик бўлинмаси Қобул яқинидаги Баграм аэропортига жойлаштирилди. Уларнинг асосий вазифаси инсонпарварлик юкларини ҳамда қўшинларни олиб келишда самолётларнинг учиб-қўнишларига аэропортда шароит яратилган иборат бўлади. Шунингдек, Британиянинг кўп сонли армияси ҳозирда Афғонистонга жўнатилиш учун шай ҳолатда турибди.

"АЛ-ҚАИДА"  
ХАЛҚАСИ  
КИЧРАЙМОҚДА


Шимолий Иттифоқ кучлари "Толибон" ҳаракатининг бир неча етакчиларини асир олганлар. Аммо улар орасида олий раҳбар мулла Умар йўқ. Американинг Афғонистондаги қўшинлари раҳбари генерал Томми Франкснинг айтишича, "Ал-Қаида" ташкилоти торабора сиқиб борилмоқда. Тўғри, саудиялик террорчи бин Ладенни қўлга олиш учун вақт керак бўлади, ҳатто, у мамлакатдан чиқиб кетган бўлса-да, барибир топилади.

ТОЛИБОН  
ҲУКМОНЛИГИ  
ТУГАТИЛМОҚДА

Саккиз кун аввал биринчи бўлиб генерал Абдул Рашид Дўстумнинг она шаҳри — Мозори-Шарифни қўлдан бой беришгач, Толибон кучлари бошқа шаҳарларни ҳам Шимолий Иттифоқ ихтиёрига топшира бошлади. Ҳозирда улар назоратда олтита вилоят қолган бўлиб, бу Афғонистоннинг 20 фоиздан камроқ ҳудудини ташкил этади. "Толибон" ҳаракати раҳбари мулла Муҳаммад Умарнинг айтишича, унинг тарафдорлари бўлғуси коалицион ҳукумат тузилишида иштирок этмайдилар, балки гуруҳлар қайта тўлдирилиб, урушни давом эттирадлар.

## ВАЗИЯТ ЖИДДИЙЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Исроил қўшинларининг танклар ёрдамида Ғазо секторидаги фаластинликларнинг икки аҳоли пунктига бостириб киришлари оқибатида ўзаро тўқнашув юз берди ва бир фаластинлик ҳалок бўлиб, 13 нафари жароҳатланди. Исроил томонининг маълум қилишича, аскарларнинг бундай ҳужумларидан мақсад, яҳудийларни ўққа тутган жангарини ҳибсга олиш эди. Аммо, орадан икки соат ўтиб ҳарбийлар мазкур кишлоқлардан чиқиб кетдилар. Лекин, шунга қарамадан, Женин ва Тулкарим шаҳарларида вазият жиддийлигича қолмоқда. Кеча эса тинчлик жараёнларини муҳокама этиш учун минтақага Европа Иттифоқи раҳбарлари делегацияси ташриф буюрди ва Фаластин ҳамда Исроил вакиллари билан музокаралар олиб боришди.



## ҚИДИРУВ ВА ТУГАТИШ

АҚШ Марказий Разведка Бошқармасига қарашли учувчисиз ҳаракатланадиган самолётлар мамлакат жанубида Усама бин Ладен жойлашган бўлиши мумкин, дея тахмин этилган бинога ракета ҳужуми уюштирилди. Пентагоннинг маълум қилишича, улар орасида саудиялик террорчининг бор-йўқлиги номаълум. Лекин бино ичидаги кишиларнинг барчаси ўлган. Шунингдек, Америка махсус бўлинмалари жанубда бин Ладенни қидириш ва йўқ қилиш ишларини олиб бормоқдалар.

## Nobel mukofoti sohiblari

билан тақдирланиб келинмоқда.

Адабиёт соҳасида Нобель мукофотининг берилиши эса ўзига хос ўрин тутди. А.Нобель ёшлигидан адабиётга жуда қизиққан ва унинг олдида физик-кимёгар муҳандис бўлиш ёки адабиётшунослиқда донг таратиш масаласи турган. Бир мунча иккиланишдан сўнг ёш Алфред биринчи йўлни танлади. Лекин адабиётга бўлган қизиқиш уни тарк этмади. Умрининг сўнгги йилларида адабий асарлар ёзиш билан шуғулланди. У ўз уйида катта кутубхона ташкил қилди ва бу соҳада ҳам ўзидан сўнг улкан мерос қолдирди.

Энди Нобель мукофоти сазовор бўлган олим ва фозил инсонлар билан бўлиб ўтган баъзи воқеаларга тўхталмоқчимиз. Ҳозирча бизнинг ўлкамиз-

эди. Ҳа, ҳеч қайси мамлакат ўз талантиларини бунчалик хор қилмаган бўлса керак. 1965 йили Нобель мукофотига лойиқ топилган Михаил Шолоховнинг омади юришган. У Швецияга борган ва мукофотни ҳам олган. Лекин мукофотни топшириш танта-наларида қатнашган ва воқеани ўз кўзлари билан кўрган олимларнинг гувоҳлик беришларича, М.Шолохов мукофотни топшириш пайтида Швеция қиролининг таъзимига жавобан ўзини йўқотган ҳолда тик тураверган. Ҳа, казаклар ҳаммага ҳам таъзим қилавермайдилар.

Яна Нобель мукофотидан бебахра қолган математиклар тақдирга қайтамиз. 1932 йили канадалик атоқли математик олим Жон Чарлз Филдс тақлифи билан А.Нобелдан "хафа" бўлган математика фани вакиллари учун халқаро мукофот таъсис этилди. Бу мукофот Халқаро математиклар конгресси томонидан ҳар тўрт йилда бир марта математика соҳасида яратилган буюк кашфиётлар учун бериб борилади.

Ушбу мукофотнинг Нобель мукофотидан асосий фарқи шундан иборатки, бу мукофот 40 ёшгача бўлган ёш иқтидорли олимларга берилади. Мукофот суммаси эса Нобель мукофотидан анча фарқ қилади ва ҳар бир совриндорга 1500 Канада доллари миқдоридан пул мукофоти берилади. Нобель мукофоти эса салкам бир миллион Америка долларини ташкил этади.

1982 йили математиклар учун яна бир мукофотга асос солинди. Хельсинки университети ректори ва Халқаро математиклар Иттифоқи президенти Ролф Герман Неванлиннин номи билан аталувчи бу янги мукофот ҳам математика соҳасида катта илмий ютуқларга эришган олимларга бериб келинмоқда. Бу мукофот миқдори эса 5000 швейцария франкига тенг.

Фикримизни кейинги мақолада давом эттираемиз.

**Абдумажит ТўРАЕВ,**  
Ўзбекистон физика  
жамияти  
хайъати аъзоси  
физика-математика  
фанлари номзоди

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ —  
МАТЕМАТИКАСИЗ

қилар эди.

Тиббиёт соҳасининг танланиши эса А.Нобелнинг соғлиги билан боғлиқ бўлган бўлса ажаб эмас. У ёшлигидан тез-тез касалликка чалинар эди ва бу нарса унинг умри охиригача давом этган. Тиббиёт фани намоёндаларига нисбатан ихтирочи олимда пайдо бўлган хурмат ва эҳтиром кейинчалик уларга Нобель мукофоти берила бошлашига сабаб бўлди.

А.Нобель архивларини ўрганиш шуни кўрсатдики, у ўзи яратган портловчи моддалар ва қурол-аслаҳалар давлатлар ўртасида бўлган қирғинбарот урушларда қўлланилиши ҳамда бунинг оқибатида қўллаб бегуноҳ инсонларнинг нобуд бўлиши соф виждонли олимни қаттиқ ташвишга солган. Шу сабабли ҳам уруш ҳаракатларини тўхтатиш, ҳаракатдаги ҳарбий қўшинлар сафини камайтириш ва умуман ер юзида тинчлик ўрнатишда жонбозлик кўрсатган сиёсий арбоблар ҳам Нобель мукофоти

дан Нобель мукофоти лойиқ кўрилган олимлар йўқ. Албатта бу ҳозирча. Шу сабабли 70 йилдан сал кўпроқ "давр сурган" шўро давлати бўлмиш собиқ иттифоқдан чиққан совриндорларга тўхталамиз. Дастлабки соҳиб рус ёзувчи-совриндори И. А. Бунин (1933) бўлган. Ўша пайтдаги сталинизм сиёсати "шарофати" билан ёзувчи умуман ҳеч қайси давлат фуқаролигини ололмаган. Совет газети ва журналларида эса Нобель мукофоти ва унинг соҳиблари тўғрисида ҳар хил бемаза хабарлар тарқатилган.

Борис Пастернак эса 1958 йили ушбу ноёб мукофот соҳиб бўлди. Лекин Москвада уни турли ваъжлар билан роса қўрқитишди ва мукофотдан воз кечишга кўндиришди. Охир-оқибат бир неча ойдан сўнг иқтидорли ёзувчи оламдан ўтди. Атоқли шоир Иосиф Бродский 1987 йили Нобель мукофоти сазовор бўлганда, у аллақачон Совет Иттифоқидан қувғин қилинган

МУСУЛМОН  
ДАВЛАТЛАР  
ҚЎШИН

## ЖЎНАТИШМОҚЧИ

Канада ҳукумати келгуси ҳафтада 1000 кишилик ҳарбий бўлинмасини Афғонистонга юборишини маълум қилди. Улар асосан инсонпарварлик дастури бўйича иш олиб борадилар. Шунингдек, бир қанча мусулмон давлатлари ҳам антитеррор кампаниясида ўз қўшинларининг иштирок этишларига тайёрлигини айтганлар. Жумладан, Индонезия, Янги Зеландия БМТ шафеълиги остида аскарларини терроризм ўчоғига қарши операцияларда қатнашишларини хоҳлайди, дейилади "Новости" ахборот мақамаси тарқатган хабарларда.

ТУТҚУНЛАР  
ОЗОД ЭТИЛДИ

Толиблар қўлида сақланаётган АҚШнинг 2 нафар, Австралиянинг 2 нафар, Германиянинг 4 нафар фуқаросини Шимолий Иттифоқ кучлари ҳарбийлари озод этдилар. Сўнгра улар Қўшма Штатлар вертолётларида Исломободга олиб кетилди. Ушбу хориж фуқаролари "Shelter Now International" инсонпарварлик ташкилотининг ходимлари бўлиб, август ойи бошида Афғонистонда насроний динини тарғиб этишда айбланган ҳамда "Толибон" ҳаракати томонидан ҳибсга олинган эдилар. Бундан ташқари, ўша вақтда гарблик хизматчилар билан бир қаторда ҳибсга олинган 16 нафар маҳаллий ишчилар ҳам тутқунликдан озод этилдилар, дея хабар беради "Асошиэйтед-Пресс" агентлиги.

## ҲАРБИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИ

"Рейтер" агентлигининг маълум қилишича, Филиппин ҳарбийлари қарийб 6 ойдан буён "Абу-Сайёф" экстремистик гуруҳи жангарилари қўлида сақланаётган етти нафар гаровдаги шахсни озод этдилар. Тахминий маълумотларга кўра жангарилар яна уч нафар Америка фуқаросини ушлаб турибдилар. Қўшма Штатлар ҳукумати "Абу Сайёф"ни Усама бин Ладеннинг "Ал-Қаида" ташкилоти билан алоқаси бор, дея ҳисоблайди. Шу боис, Оқ уй раҳбарияти уларга қарши курашишда Филиппинга ҳарбий кўмак беришни ваъда қилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилган "Истиклол тонги" танлови ғолибларига мукофотлар топширилди.

—Ҳаётимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби ижодкорларимиз ҳам Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллигига ўз сов-галари билан келишди, —деди маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов. — Танловда иштирок этган

Наср бўйича ёзувчи Тоғай Муроднинг "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" асари биринчи мукофотга муносиб топилди. Адиблар Омон Мухтор ва Фотима Шарипова эса иккинчи мукофотга сазовор бўлди.

Таниқли адиб Одил Ёкубовнинг эсселари публицистик асарлар бўйича ўтказилган танловда бош мукофотни олди.

—Ушбу танловга қўйилган "Мадэ хон сўзи" тарихий достонини нихоятда катта илҳом ва ҳаяжон билан ёзганман, —деди "Туркистон-пресс" мухби-

## ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Миллий тасвирий санъатимизнинг забардаст вакиллари, Ўзбекистон Халқ рассомлари М.Набиев, Р.Аҳмедов, Р.Чориевлар биз юқорида тилга олган санъатнинг ёрқин юлдузлари ҳисобланадилар. Бу ажойиб истеъдод соҳибларининг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти ранг-баранг, серкирра ҳамда ибратлидир. Ўзбекистон Миллий Академик драма театрида бу таниқли рассомларнинг таваллуд кунларига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар бетакрор санъат усталарини қутлаб, уларга ўзларининг эсдалик совғаларини топширдилар. Шундан сўнг уларни устозлари йўлини давом эттириб, шу йўлда баракали ижод қилаётган бир қанча шогирдлари табриқладилар. Кечада санъаткорлар ўзларининг шўх куй-қўшиқлари билан иштирок этдилар.

## БАРҲАЁТ СИЙМО

Ўзбек адабиётида ўзига хос ижодий йўли билан ўнмас из қолдирган Усмон Носирнинг шеърларини бир бор ўқимаган инсон орамизда кам топилса керак. Яқинда Хамза туманига қарашли қурилиш касб-хунар коллежида Усмон Носирнинг таваллуд кунига бағишланган ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда шоирнинг синглиси Роҳатой Носирова, Нодири Рашидова, Ўзбекистон Миллий Академик драма театри томонидан саҳналаштирилган "Усмон Носир" спектаклида Усмон Носир ролини ижро этган Учкун Тиллаевлар иштирок этдилар. Кечада шоирнинг ёшлик йиллари ва эсдаликлари ҳақида ўқувчиларга анча қизиқарли маълумотлар берилди. Шунингдек, шоир образини саҳнада яратган У.Тиллаев "Усмон Носир" спектакли ҳақида қисқача сўзлаб берди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган барча саволлар билан анжуман иштирокчиларига мурожаат қилдилар. Коллеж ўқувчилари томонидан қатнашчилар эътиборига ҳавола қилинган бадиий қисм барчада катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнгида йиғилганлар адибнинг ижоди ва фаолиятига бағишлаб тайёрланган деворий газета ва кўргазмалар билан танишдилар.

Райхон ХОЛМУРОВОДА

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми, академик Раҳим Аҳмедов таваллудининг 80 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 50 йиллигига бағишланган кўргазма бўлиб ўтмоқда.

Раҳим Аҳмедов санъат оламига 1950 йилларда кириб келган. Ўзбек

га устуворлик бергани ҳолда, на-тюрмортлар ва манзаларни яратган. Бу соҳада ҳам гайриоддий ва мустақил дунёқарашга эга эканлигини курсатган. Натюрмортлар Раҳим Аҳмедов ижодда алоҳида уринга эга. Уларда рассомнинг қутилмаганда қўйилиб келувчи ҳис-туйғулар дунёси сезилиб туради.

## РАССОМ 80 ЁШДА

тасвирий санъатида, тараққиёт жараёнида беқиёс аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга оширган.

Кўргазмада унинг ижодкор сифатида шаклланиш жараёни кузгуда акс этгандек намоён бўлиб турибди.

Раҳим Аҳмедов портрет жанри-

Умид МУХИДДИНОВ

## АКТЁР ХОТИРЛАНАДИ

Кунги кеча республика Киночилар уйида ажойиб санъаткор, ўзининг қисқа умри давомида бир қатор роллар ижро этиб томошабинлар меҳрига сазовор бўлган актёр Тўғон Режаметовнинг хотира кечаси бўлиб ўтди. Актёр ҳаёти ва ижоди акс этган саҳна безаклари ушбу масканга тўпланган санъаткорнинг мухлислари қалбида хурмат ва эҳтиром туйғуларини уйғотди.

Кечани "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси раҳбари Муҳаммадали Абдуқундузов олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев Тўғон Режаметовни, гарчи, у қисқа умр кўрган бўлса-да, баракали ижод қилганлигини ва халқ меҳрини қозона олганлигини эътироф этди. Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги Хайрулла Жўраев ва "Ўзбеккино" давлат акциядорлик компанияси раиси Мурод Муҳаммад Дўст санъаткор ҳақидаги хотираларини сўзладилар.

Актёр ишини бугун унинг турмуш ўртоғи Ўзбекистон халқ артисти Ширин Азизова, қизи Фотима Режаметова, ўғиллари Зухриддин ва Хусан Режаметовлар давом эттирмоқдалар. Улар ҳам сўзга чиқиб, ибратга лойиқ ота ва камтарин инсон эканлигини гапирдилар. Ташриф буюрган томошабинларга, кино мухлислари га миннатдорчилик изҳор этдилар.

Кечада Тўғон Режаметов хотирасига бағишлаб тайёрланган фильм намойиш этилди.

Мухбиримиз

## «ИСТИҚЛОЛ ТОНГИ» ҒОЛИБЛАРИ

асарларни ҳали бадиий жиҳатдан тўла-тўқис, мукамал, сара деб айтолмаймиз. Шунга қарамасдан истиқлолимизнинг ўн йиллигига бағишлаб мазкур танловнинг ўтказилиши адиб ва шоирларимизнинг ижодий парвозида янги бир поғона бўлди.

Абдулла Орипов эътироф этганидек, албатта, ҳали ёзувчи ва шоирларимизнинг, умуман ижод аҳлининг халқимиз олдида қарзлари кўп.

Мазкур танлов якунларига кўра, шеърини йўналишда шоир (марҳум) Муҳаммад Юсуфининг "Сайланма" асари ғолиб деб топилди. Шоирлар Машраб Бобоев ва Икром Отамуродовлар иккинчи ўринни қўлга киритди.

рига қорақалпоғистонлик шоир Бахтиёр Генжемурод. —Дарҳақиқат ватанни шарафлаш шоирнинг қалб бурчидир. Ватаннинг ва халқининг ижодини хурмат кўрсатиши эса нур устига аъло нур. Бугунги кунда мен шундай эътирофнинг гувоҳи бўлиб турибман.

Шунингдек, танлов шартларига кўра, ҳар бир шарт бўйича учта рағбатлантирувчи мукофот ҳам ўз эгаларига топширилди. Танлов муассислари таклифи билан бундай тадбирни ҳар йили ўтказишга келишилди.


"Туркистон-пресс"

нинг ҳар бир вакили учун бирдек қадриятлар билан ғурурланиши ва соғлом фикр қила билиш хислатларини тарбиялашда тарих фанининг ўрни беқиёсдир. Зеро, айна тарих тажрибалари келажак йўлини ибрат чироғи билан ёритиб туради.

Бу мулоҳазаларга республика-миз мактаб ўқувчилари қўлида яқиндагина пайдо бўлган "Жаҳон тарихи"дан 9-синфлар учун янги қўлланма сабаб бўлди. Бинобарин, ушбу қўлланма жаҳон халқлари эртаги кеч, у ёки бу шаклда босиб ўтиши қонуний зарурият бўлган давр ҳақида фикр юритади. Бу қонуний ўз ўрнида жаҳон халқларининг бир томондан ўз тараққиёти учун зарур моддий ишлаб чиқариш замини яратиш учун кураши деб баҳоланиши мумкин бўлса, иккинчи томондан сармоядор кучли давлатларнинг дунёни

манфаатларидан, масалан, пролетариат, ишчилар синфи каби ўзини оқламаган ёндошув усулидан воз кечишган. Натижада қўлланма объектив тарихий жараёнлар тафсилотига айланган. Муҳими шуки, ўқувчи ундан жаҳон миқёсида, барча қитъаларда кечган жараёнларнинг ҳақиқий ижтимоий, иқтисодий ва маънавий сабабларини умумтараққиёт қонуниятлари асосида тўғри тушуниш имконига эга бўлган.

Муаллифлар нашринг қўлланмага хос тафсиллий



## ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

"Бугунги ижтимоий ҳаёт одамлар билими ва тафаккурининг тез ўсишини тақозо этаётганлиги рост. Эркин, мустақил фикрлайдиган, кенг қамровли билимга эга бўлган одамда ҳаётга, келажакка ва ўзига ишонч

мустаҳкам бўлади. Мураббийликда узок йиллар орттирган тажрибаларим бунини исботлади", деб бошланади "Маърифий сабоқлар"


китобчаси. Унинг муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Марат Зокиров.

Авалло, китобчанинг шаклу шаймоили ҳақида икки оғиз сўз; унинг муқоваланиши, безатилиши, матнларнинг ихчам, содда тилда берилиши ҳар қандай ихлосмандга маъқул келади.

"Маърифий сабоқлар" етти бобни ўз ичига олган мўъжазгина китобчадир. Уни кўлига олиб барақлаган киши "Хар соҳадан бир шингил" сифатида берилган матнларга жон-дили билан кўз югуртиради. Дастлабки бобга "Сиёсат, иқтисод ва ижтимоий ҳаёт" деб сарлавҳа қўйилиши бежиз эмас. Унда бугунги Ўзбекистоннинг худуди ҳақидаги маълумотлардан тортиб, мамлакатимизда таъсис этилган орден, медал ва нишонлар, спорт оламининг юлдузлари ва ҳоказолар ҳақида сўз боради.

"Маърифий сабоқлар" бозор муносабатлари ҳақида ҳам сизга зарурий тушунчалар бера олади. Масалан, инфляция, лицензия, монополия, банкрот, кризис, биржа ва шу сингари ибораларнинг муфассал лугати китобчада ўз баёнини топган.

Муаллиф ижоди маҳсулидаги энг қизиқарли боблардан бири "Фан, халқ таълими, дин" деб айтишимиз мумкин. Бу бобга Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра



кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" деган сўзлари эпиграф қилиб келтирилган.

"Олам мўъжизалари" деб эшитамиз, уларнинг қачон ва қаерда вужудга келганлигини билемизми? Муаллиф 17 та олам мўъжизасини номма-ном санаб келтиради. Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим ислохотлари, турлари ва унинг босқичлари ҳам муаллиф назаридан четда қолган эмас.

Шунингдек, тўпلامда исломнинг фарзлари, иймоннинг шартлари, муқаддас китоблар, жаноб Пайгамбар(С.А.В.), уларнинг хадислари ҳақида ҳам лўнда маълумотлар берилганки, китоб ихлосмандлари бунга бир лаҳза-даёқ кўз югуртириб чиқиб, ўз маънавий дунёларини бойитишлари мумкин.

Жиззахлик мураббий Марат Зокиров бу тўпламни нашрга тайёрлаб ва бунинг урдасидан чиқиб, савоб иш қилибди. Бу каби рисоалар таълим муассасаларига жуда керак. Синф раҳбарлари, болалар етакчилари, ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари бу китобчадан қўшимча манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

Х.ТҶИМАНОВА

М. Лафасов, Э. Холшинов, Д. Қодирова

## ЖАҲОН ТАРИХИ 9



## ИНСОНИЯТ ТАРИХИДАН САБОҚ ОЛАДИ

Тарих фани ўтмишни идрок этиш, инсоният босиб ўтган мураккаб тараққиёт йўли тажрибаларидан тўғри хулоса чиқариб, келажакдаги мақсад ва вазифаларни белгилашда улардан фойдаланиш имконини беради. Агар Ватанимиз тарихи орқали ажодларимизнинг инсоният тараққиётида тутган ўрни, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини билсак, жаҳон тарихи бутун дунё халқлари ўтмишининг умумий ва хос қонуниятларини ўргатади. Шу маънода мактаб кутубхоналари ва ўқувчилар жилдларидан ўрин олган 9-синфлар учун янги "Жаҳон тарихи" ўқув қўлланмаси бу соҳада айна етишмай турган бўғинни тўлдирди. Қўлланма жаҳон тарихининг энг мураккаб ва қизиқарли даври — 1870-1914 йилларни ўз ичига олган. Маълумки, бу давр жаҳон миқёсида сармоядорлик ва эркин рақобатли ишлаб чиқариш ҳамда замонавий жаҳон бозори шаклланишининг бошланғич босқичи эди. Муайян жамиятнинг ўзгача ташкил қилган миллат ёки халқ-

қайта тақсимлаш учун олиб борган ваҳшиёна кураши жараёнида қўлаб халқларнинг озодлик, миллий мустақиллик учун кураши лавҳаларида намоён бўлади.

Қўлланманинг илгари фойдаланиб келинган дарсликлардан кескин фарқланиб турувчи бир неча хусусиятига эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз. Қўлланма мактабда ўқув меъёрларига мувофиқ тарзда барча қитъаларда мазкур давр ичидан бўлиб ўтган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий жараёнларни қамраб олган. Шу билан собиқ ўқув тизимидаги Европа ёки Америка тарихидан иборат "Янги тарих", собиқ Совет иттифоқи тарихи каби суъний тақсимланишлардан тубдан фарқ қилувчи жаҳон тарихининг яхлит манзараси яратилган. Холисона методологик асосга таяниб тарихий жараёнларнинг умумий қонуниятларини ҳамда минтақалар ва халқлар тарихига хос жиҳатлар очиб беришга ҳаракат қилинган. Қўлланма муаллифлари тарихнинг ягона ва мураккаб жараён эканидан келиб чиқиб, айрим синф, ижтимоий қатлам ёки сиёсий мафкура, го-

баёнига айрим услубий ишланмалар ҳам киритганлар. Булар мавзулар бўйича саволлар, эсда қолиш учун тавсиялар, асосий саналар ва атамалар иловаси ва бошқалар бўлиб, қўлланмани дарслик даражасига яқинлаштирган.

Сўзимиз охирида баъзи истакларимизни баён этсак: қўлланмани янада такомиллаштириб, дарсликка айлантирилса ва тезда нашр этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди; дарслик вариантларида айрим масалаларнинг назарий жиҳатларига ҳам ўрин берилса. Масалан, капитал мулкчилик тизими шароитида қонун устуворлиги асосидаги республикачилик ҳаракати, демократик тамойиллар тараққиёти, қуйидан ва юқоридан амал қилувчи демократиячиликнинг либерал, консерватив, сиёсий, ижтимоий оқимларнинг тарихий моҳиятини очиб берувчи маҳсус таҳлиллар киритиш дарслик мазмуни ва салмоғини, унинг самарадорлигини оширади, деб ўйлаймиз.

М. ИСОКОВ,  
тарих фанлари доктори  
Б. АБДУЛЛАЕВ,  
тарих фанлари номзоди

**БОКСЧИЛАР АНГЛИЯГА ЖўНАБ КЕТИШДИ**

Кеча Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Англияга жўнаб кетди. Республика бокс федерациясининг маълумотларига кўра таркиб куйидагилар: Музаффар Усмонов (48 кг), Турсун Абломов (54 кг), Жаҳонгир Қосимов (60 кг), Сардор Раззоқов (63,5 кг), Ражаб Раҳмонов (67 кг), Шароф Хусанов (71) кг, Жасур Матчонов (91 кг).  
Англиянинг Ливерпул ва Лондон шаҳарларида ўтадиган ўртоқлик учрашувларида келгуси йил Кубада ўтадиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига номзодлар саралаб олинади.

**МИРЖАЛОЛ ШАРТНОМА ТУЗДИ**

Миржалол Қосимовнинг Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетганлиги ҳақида аввал хабар бергандик. Яқинда унинг "Ал-Шабоб" жамоаси билан шартнома тузганлиги маълум бўлди ва ярим химоячимизнинг трансфер баҳоси 350 минг доллар деб баҳоланди.  
Миржалол ўзининг ЖЧ саралаш мусобақаларидаги ажойиб ўйинлари ва киритган чиройли: 4 та голи тўғрисида амирлик раҳбарларининг эътиборига тушганди.

**ҚУМУШ МЕДАЛЬ БИЛАН ҚАЙТИШДИ**

Арманистоннинг Ереван шаҳрида ушу (кунфу) бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати якунланди. Унда 56 та давлат вакилларидан жами 400 нафардан ортиқ спортчи қатнашди.  
Уларнинг 6 нафари ҳамюртимиз эканлиги қувонарли ҳолдир. Мурасасиз ўтган баҳоларда юртдошимиз Лиля Качурина қумуш медални қўлга киритди.

**"MASTERS CUP" ТУРНИРИ ЯКУНЛАДИ**

Австралида йилнинг энг яхши теннисчиси аниқлаш учун ўтказилган "Masters cup" турнирининг финал босқичида мезбон Лейтон Хьюитт америкалик теннисчи Андре Агасси устидан икки сет бўйича 6:3, 6:4 ҳисобида галаба қозонди. Ундан аввалроқ Лейтон французлик Себастьян Грожанни, Агасси эса Патрик Рафтерни мағлубиятга учратган эди.

**ШВЕЦИЯ: ЗўРЛАР АНИҚЛАНДИ**

Англия терма жамоаси бош мураббийи швециялик Свен Гёрси Эриксон ўз мамлакатида 2001 йилнинг энг яхши футбол арбоби, деб тан олинди.  
"Йилнинг энг яхши футболчиси" номига эса "Барселона" химоячиси Патрик Андерсон лойик топилди.

**УМИД НИҲОЛЛАРИ**

Шу кунларда республикамизнинг кўпгина жойларида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг туман босқичлари ўтказилмоқда.  
Ҳафта бошида Ҳамза туманида Тошкент шаҳри босқичига чиқиш учун баҳслар олиб борилди. Тумандаги 30 та мактабда жами 35834 та бола таълим ва тарбия олмақда.  
Қатор вазирликлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" ҳамкорлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик тарзида таш-

кил этилиб ўтказилди. Спорт ўйинлари 1-4-синфларда 30 м.га югуриш, енгил атлетика, тўп иргитиш, футбол, миллий ҳаракатли ўйинлар, шахмат ва шашка турлари бўйича бўлиб ўтди.  
Финал босқичида энг маҳоратли 1-4-синф ўқувчиларидан 620 нафар ўқувчи қатнашди. Бу босқич тумандаги 307-мактабда бўлиб ўтди. 5-7 ва 8-11-синфлар учун ўтказиладиган финал босқичига эса, шу кунларда қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

23 ноябрь куни Аргентина мураббийлар ассоциацияси томонидан Диего Марадонага "Футбол бўйича миллий мураббий" деган ҳужжат берилди.  
Ассоциация президенти Викторио Кокконинг айтишича, Диего Марадона футбол оламида мамлакат доврўғини


**МАРАДОНА — МИЛЛИЙ МУРАББИЙ**

дунёга танитишда муҳим ҳисса қўшган. Шу боис у бундай мукофотга муносиб эканлигини таъкидлаб ўтди. Ўтган ҳафта Диего "Бока Хунирс" стадионида жаҳоннинг энг кучли чарм тўп усталари иштирокида ўзининг сўнги ўйини, хайрлашув матчини ўтказган эди.

**«УМИД НИҲОЛЛАРИ» ТУМАН БОСҚИЧИ**

Асака туманидаги 51 та мактабда "Умид ниҳоллари" биринчи босқич синфлараро мусобақаси якунланди. Бунда спортнинг енгил атлетика, футбол, шохмот, стол тенниси, баскетбол, қўл тўпи, волейбол, миллий кураш каби турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Бу мусобақаларда туман мактабларида таълим олаётган 30 мингдан зиёд ўқувчилар иштирок этдилар. Мурасасиз кечган баҳсларда шохмот бўйича 11-гимназия, футбол бўйича 27, катта теннис бўйича 29, енгил атлетика бўйича 18, қўл тўпи бўйича 11, миллий кураш бўйича 18, баскетбол бўйича 19 ва 29, волейбол бўйича 22, 46-ўрта мактаблар туман ғолиблигини қўлга киритдилар.

Ш. КЕЛДИЕВ



**МАРДАЛАР МАЙДОНИ**

Бугун ташаббус ва тадбиркорлик билан турли соҳада изланаётган ёшларимиз анчагина. Улар ўз билимларини юрт тараққиёти йўлида сарфлашмоқда. Шундай ёшларимиздан бири Мурод Мирзабоевдир. У 1978 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1987 йилдан бошлаб, спортнинг "Шарқ якка кураши" тури билан шуғулланади. Икки карра Ўрта Осиё ва Ўзбекистон чемпиони, тўрт карра жаҳон ва Европа чемпионати ғолиби, "Қора белбоғ", III ДАН соҳибидир. Ҳозир Мурод Мирзабоев Қибрай туманидаги Фафур Фу-

лом номли 33-ўрта мактабда "Шарқ якка кураши" клубини очиб, шу ерда фаолият олиб бормоқда.  
— Спортнинг "Шарқ якка кураши" турини шогирдларимга мукаммал ўргатиб, уларни жаҳон чемпионатларига олиб бориб, Ўзбекистонимиз байроғини юқорига кўтариш менинг ягона орзуим, — дейди Мурод Мирзабоев.  
Орзуга айб йўқ. Бу спортчилар келажақда юртимиз шаънини шараф билан химоя қиладилар.  
**Суратда: Мурод Мирзабоев шогирдлари билан.**

**СТОЛ ТЕННИСИ МУСОБАҚАСИ**

Ҳозирги вақтда спорт турлари ичида теннисга ҳам республикамизда алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, юртубоқда ёш спортчиларни тайёрлаш ва жаҳон ареналарида кўтарилиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда.  
Шу кунларда Самарқандда ёш теннисчиларни кашф этиш мақсадида республика чемпионатини ўтказиш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.  
Стол тенниси бўйича ўтказиладиган бу чемпионат 21 ноябрь куни 200 нафардан ортиқ спортчини синаб кўради.

**ХАРИТОНОВ УЙГА ҚАЙТДИ**

Хоккей бўйича собиқ иттифоқ ва Россия терма жамоаси аъзоси, истеъдодли хоккейчи Александр Харитоновни спорт муҳлислари яхши билади. Шу кунгача Миллий Хоккей Лигасининг қатор жамоаларида иштирок этган, сўнги мавсумда эса "Нью-Йорк Айлендерс" клуби шарофтини химоя қилган Харитонов бу мавсум жамоа сафидан урин эгаллай олмади. Шу боис у ўз юртига қайтишни афзал билди. Маълум бўлишича, у шу кунларда Омскнинг "Авангард" клуби машғулотларида иштирок этмоқда.

**САЛЬКОВ ЭСКИ ЖАМОАСИГА ҚАЙТДИ**

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг собиқ бош мураббийи, термамизнинг ЖЧ—2002 саралаш турларининг яхши якунланишини таъминлай олмаган Владимир Сальков маълум танаффусдан сунг, Волгограднинг "Ротор" клубида иш бошлади.  
Айнан шу жамоа Сальков қўл остида 1993 йилги мавсумда ўз тарихида илк бор Россия чемпионатининг қумуш медалига сазовор бўлган. Ушанда Сальков клубда бош мураббий вазифасини бажарганди. Бу сафар эса у жамоанинг катта мураббийи сифатида иш олиб боради. Ҳозирча жамоани ким бошқариши номалум.

**"ПЛЕЙ-ОФФ" ЎЙИНЛАРИ ЯКУНЛАНДИ**

Чоршанба куни бўлиб ўтган плей-офф баҳсларининг жавоб учрашувларидан сўнг, келаси йил бўладиган ЖЧга бориш бахтига лойик топилган яна тўрт мамлакат номи маълум бўлди.  
Булар ичида энг эътиборлиси Украина-Германия учрашуви бўлди.  
Дортмунд майдонида 52 минг муҳлисга "немислар" оз эмас, кўп эмас 4 та голни ҳадя этдилар. Украина легионери Шевченко битта гол киритиб, ҳисобни озгина қисқартира олди, холос.  
Шунингдек, бошқа учрашувлар Туркия-Австрия (5:0), Эрон-Ирландия (0:1), Бразилия-Венесуэла (3:0) жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Автопойга бўйича CART мусобақаларининг икки карра жаҳон чемпиони италиялик Александро Занарди яна спортга қайтмоқчи. Иккала оёғи ҳам белгача кесиб ташланган 34 ёшли пойгачи мўдғиш авариядан кейин ҳам ана шундай йўл тутишига қарор қилди. Ҳозир-

тишида катта ёрдам берган. Дуэн Клаудио Костанинг муолажаларидан кейин 500 см/куб классдаги мотоцикл пойгаларида нақд беш марта жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.  
Ана шундай матонат борасида Дуэннинг йўлидан боришга қарор қилган Алекс Занарди

**ФУТБОЛ. ОЛИЙ ЛИГА: ШУ ҲАФТАДАГИ ВАЗИЯТ**

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Нефтчи"	32	25	3	4	85-25	78
2. "Насаф"	32	21	5	6	79-44	68
3. "Пахтакор"	30	20	3	7	59-29	63
4. "Навбахор"	33	19	1	13	73-51	58
5. "Академия"	32	15	10	7	68-43	55
6. "Кизилқум"	32	15	5	12	43-32	50
7. "Трактор"	32	13	7	12	52-52	46
8. "Дўстлик"	32	13	5	14	71-55	44
9. "Сўғдиёна"	32	13	4	15	42-50	43
10. "Самарқанд-Д"	32	13	3	16	57-63	42
11. "Андижон"	32	13	3	16	54-57	42
12. "Бухоро"	31	13	2	16	50-56	41
13. "Зарафшон"	31	11	7	14	48-50	40
14. "Металлург"	32	9	11	12	40-57	38
15. "Сурхон"	32	12	1	19	41-68	37
16. "Кимёгар"	32	9	6	17	34-55	33
17. "Турон"	32	8	6	18	38-68	30
18. "Семург"	32	2	4	26	34-111	10

**ЗАНАРДИ ЯНА ҚАЙТМОҚЧИ**

ча Занарди оддий автомашина ҳайдашни бошлаб юборди. У ўзининг шахсий автомобилида Монте-Карлодаги уйдан Имола шаҳрига қатнамоқда. Имолага ташрифининг боиси кесиб ташланган оёқларига протез ўрнатилди. Спортчини довонаш ишлари билан машғур ортопед, профессор Клаудио Коста шуғулланмоқда. Италиялик таниқли шифокор бундан олдин ҳам сингари оёқларидан ажралган мотопойгачи Мик Дуэннинг спортга қай-

икки ой ўтар-ўтмас Германия трассаларидаги аварияни ёддан чиқарди. Алексни спортга қайтаришга ёрдам бермоқчи бўлган Клаудио Коста пойгачининг яқин орада мусобақаларда қатнашишига ишонч билдирмоқда. Авариядан кейин шифохонада ўзига келган Занардининг "Хўдога шукр, тирик қолибман..." деган сўзлари барчани қўйил қолдирганди. Унинг бу сафарги матонатига яна бир бор қўйил қолмасдан иложимиз йўқ.



## «ҲИҚМАТЛАР ҲАЗИНАСИ» МУАММОНОМАСИ

Азиз муштарий! Аввало, Шарқ мутафаккирларининг ҳикматларида келтирилиб, рақамларда ифодаланган куйидаги сўзларни топиб, "очкич"ни ҳал этинг.

1. "Шоҳнома" асарининг муаллифи, форс-тожик мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Фирдавсий ҳикматларидан:

Илмдан бир 2 10 1 20 19 дилга тушган он,

Шунда билурсанким, илм бепоён.

2. XV аср адабиётининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшган шоир ва олим Абдураҳмон Жомий ҳикматларидан: Боши билан шўнғиб кирмаса ҳар дам, сув 9 17 5 24 15 19 25 дурни топарми одам?

3. Озарбайжон мумтоз шоири, ҳамсанавис Низомий Ганжавий ҳикматларидан:

Кимки 27 14 21 19 25 24 2 25 24 уят, ор демас,  
Сувдан дур топади, тошдан лаъл, олмос.

4. Пурҳикмат рубоий ва фазаллари билан танилган Мирзо Абдулқодир Бедил ижодидан:

Инсоннинг қиммати 16 22 19 17 сийму зар,

Инсоннинг қиммати илм ҳам 13 10 25 19 14.

5. Темурий ҳукмдор, фалакиёт олими, истеъдодли тарихчи Мирзо Улугбек ҳикматларидан:

Ишга яраб қолса илминг бир муддат,

4 25 19 оширмоққа айлагил шиддат.

6. Форс-тожик шеърятининг XIII асрдаги қарвонбоши Жалолддин Румий ҳикматларидан:

Нарса 18 27 12 28 24 22, 3 9 14 24 8

24 олам эрур,  
Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур.

7. Ҳайдар Хоразмий ҳикматларидан:

Ҳар 19 18 11 мард ўлига бир панд эрур,

27 26 айбин билса, донишманд эрур.

8. Абулҳасан Рудакий ҳикматларидан:

Билим — 11 19 14 7 19 қулфатларга қалқон.

9. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳикматларидан:

Ҳақ йўлида ким сенга бир 13 19 14 6

ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин

23 26 ганж ила.

Энди "очкич" сўзлар ёрдамида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммонгани ечинг.

Ундан икки ҳикматли сўз ва уларнинг муаллифларини билиб оласиз.

**Тузувчи: Азизжон ЭРМАТОВ, УЗДЖТУ халқаро журналистика факультети I курс талабаси**

Газетамизнинг 2001 йил 10 ноябрь сонидан берилган "Нисо" ва "Qadimgi Rim" chaynovdining кроссвордларининг жавоблари:

Бўйига: 1. Фард. 2. Омма. 3. Дард. 5. Укки. 7. Кон. 8. Омоч. 9. Бода. 10. Араб. 11. Қавс. 12. Ҳаво. 13. Агат. 15. Рақс. 18. Рио. 20. Куб. 21. Халқ. 22. Азот. 23. Этан. 24. Капа. 25. Нўён. 26. Олма. 27. Торф. 28. Отто. 32. Узум. 34. Ши. 36. Лаос. 37. Эман. 38. "Реал". 39. Ганг. 40. Илож. 41. Лиза. 46. Амма. 48. Наср. 49. Коса. 50. Анко.

Энига: 1. Фазо. 3. Дюмо. 4. Муму. 6. Дона. 8. Одоб. 10. Арик. 12. Ҳажм. 13. Анор. 14. Авар. 16. Дог. 17. Чора. 19. Бокс. 21. Кола. 23. Этик. 25. "Нисо". 27. Торт. 28. Обрў. 29. "Омо". 30. Пат. 31. Курт. 33. Нота. 35. Нола. 37. Эфир. 39. Гоби. 41. Пана. 42. Маза. 43. Али. 44. Олис. 45. Нақл. 47. Ганж. 49. Кана. 51. Асос. 52. Қаср. 53. Асло.


1. Etrusk. 2. Kampaniya. 3. Alp. 4. Pirr. 5. Regun. 6. Numitor. 7. Rubikon. 8. Neron. 9. Nerva. 10. Avrel. 11. Ioniya. 12. Askaniyyul. 13. Ligur. 14. Rasenlar. 15. Respublika. 16. Arena. 17. Antioxiya. 18. Attila. 19. Asklepiod. 20. Dionisiy. 21. Yupiter.

## «ТОРНАДО» КРОССВОРДИ

ЭНИГА: 1. Карвонсарой ёки Марокаш давлати пойтахти. 5. Ижодкор аёл. 8. 60 минут. 9. Бино деворига қилинган пештоқли сахн, айвон. 12. Ўзбек маърифатпарвар шоираси. 14. Бутун борлиқ, атроф-муҳит. 15. Ўзбекистоннинг автомобилсозлик шахси. 16. Катта буви, момо. 17. Балиқ тури. 18. Ҳиндистонни Англия мустамлақасидан озод этган шахс. 19. Падар. 22. Муқимий сатираларидан бири. 25. "Фидокорлар" миллий демократик партияси газетаси. 28. Ақл, онг, дид. 29. Геометрик шакл. 31. Захирдин Бобурнинг шоҳ асари. 32. Жанубий Америкадаги йирик давлат. 34. Оз, кўп эмас. 37. Иситмани туширувчи дори. 38. Туркиядаги курорт шаҳар. 40. Тоғлар орасидаги кенг текислик. 44. Хурлик, озодлик. 45. Қимматбаҳо металл. 46. Ёзда чақиб безор қилувчи ҳашарот. 47. Пуфлаб чалинадиган миллий мусиқа асбоби. 48. Икки томоннинг ўзаро муносабати. 50. Абдулла Ориповнинг машҳур шеъри. 51. Сезгир, хушёр. 52. Осиёнинг шарқида яшовчи миллат. 53. Тошкент шаҳридаги бозорлардан бири ёки юртимиздаги тоғ тизмаси. 54. Қадимги транспорт воситаси. 55. Катта магистрал йўл.

Ўзбек қабилаларидан бири. 3. Экин экиладиган майдон. 4. Кичик заррани катталаштирувчи қавариқ шиша, заррабин. 6. Европадаги ривожланган давлат. 7. Бирор хонадоннинг вояга етган қизини келинликка сўраб бориш одати. 8. Подшоҳларнинг номига қўшиб айтилувчи унвон. 10. Сувоқчилик асбоби. 11. Тоҳир Маликнинг энг машҳур асари. 13. Уйғун пьесаси асосида сахналаштирилган спектакл. 20. Буюқ ўзбек комусий олими. 21. Алишер Навоийнинг шоир тоғаларидан бири. 23. Мастларча, мастга ўхшаб. 24. Америка қирғоқларини даҳшатга солувчи тўфон. 26. Швеция пул бирлиги. 27. Юртимиздаги тамакичиликка ихтисослашган туман. 29. Шубҳа, гумон. 30. "Рамаяна"—ҳинд эпосининг бош қахрамони. 33. Фан номзоди илмий даражасига эришиш учун таълим олаётган талаба. 35. Худуди бўйича Ўзбекистондаги энг кичик вилоят. 36. Тўплам, мажмуа. 39. Африка шарқидаги давлат. 41. Биринчи ўзбек миллий газетаси муҳаррири. 42. Ҳашаматли бино, қаср. 43. Юзхотир, шарм-ҳаё. 48. Увайсий чистонида зикр этилган мева. 49. Аналар кўшиғи.

Тузувчи: Ҳасанбой НИЗОМОВ, Асака туманидаги 28-мактаб ўқитувчиси



Дарё,  
Сени қандоқ чўмилтирамиз,  
Қайда ювинарсан, булганган дарё?  
Шоир Фахриёрнинг ушбу мисраларини қайта-қайта ўқир эканман, дарёлар, сувлар билан боғлиқ яхши-ёмон хотиралар ҳаёлимда жонланаверади. Ушбу экологик шеър она табиат, унинг мўъжизалари бўлмиш сув, дов-дарахтлар, боринжи, борлиқ сувсиз ўлиши мумкинлиги ҳақидадир.

Дарҳақиқат, борлиқ, бутун жамият ҳаётидаги кичик кўзга кўринмас ўт-ўлан ҳам сувдан баҳра олиб яшайди. Сувсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз.

Сувнинг бир томчиси ҳам қадри. Ота-боболаримиз сувни ҳар нарсадан азиз кўриб, уни эъзозлашган.

"Бобо-момоларимиз сувни нега қад-ўтаверади. Ва юрагимни бир армон ўртайди.

## СУВСИЗ ҲАЁТ ЙЎҚ

қаттиқ танбеҳ берад эдилар. Экинларни суғориш эса ундан қийин. Одамлар сувга навбатда туриб томорқасини суғориб олади.

Отам маҳалла оқсоқоли эдилар. Қишлоққа сув олиб келаман, деб анча уриндилар. Туман ҳокимлигига ҳам бир неча марта ариза билан бордилар. Лекин ҳоким бува ҳам йўқ сувни йўндириб беролмайдилар-ку.

Фарзандларим ҳар гал қишлоққа борганида, тенгдошларининг сув ташишини кўриб ажабланади, баъзан уларга қўшилиб сув олиб келишга боради. Уйга, шаҳарга қайтган эса жўмрақларда оқиб ётган сувларни бураб, ўчириб қўяди, чўмиллаётган сувни исроф қилмайди. Улар биз сувни тежаб-тергаб ишлатсак, қишлоқларга сувлар етиб боради ва болажонлар уларнинг оналари, оталари қийналмайди, деб ўйлашади.

Мен кўп қабатли уйда яшайман. Иссиқ ва совуқ сув доимо оқиб ётади. Лекин қишлоқдаги яқинларимнинг флягаларда, катта-кичик челақларда узокдан сув ташиши кўз ўнгимдан лип-лип

Маъмура МАДРАҲИМОВА

<p>"Маърифат" газетаси таҳририяти жамоаси таҳрир хайъати аъзоси Саъдулла Ҳақимовга укаси</p> <p><b>АБДУЖАЛИЛНИНГ</b></p> <p>бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор қилади.</p>	<p>Р.Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати жамоаси концертмейстер Гулнора Утевага онаси</p> <p><b>Манзура МИРСАГАТОВАНИНГ</b></p> <p>вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.</p>	<p>Р.Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати жамоаси шу мактабнинг ўқитувчиси Абдуллаева Шахнозага онаси</p> <p><b>Сакина ЮЛДАШЕВАНИНГ</b></p> <p>вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.</p>
--	--	---

**Ma'rifat**

ТАЪСИС  
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,  
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:  
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир хайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукр ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси 41-уй

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Maqadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Хулқар ТҮЙМАНОВА.  
Навбатчи: Ботиржон ҒОҒУРОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.  
ИНДЕКС: 149, 150.  
Г-3017.  
Г. 1 2 3 4 5 6  
Ҳажми 8 босма табоқ, офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.  
Босишга топшириш вақти — 20.00.  
Топширилди — 21.00